O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV №

Ишбилармон, мардлик ва шижоат сохиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши мин-минлаб тадбирсиз, локайд кишилардан яхшидир.

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 44 (150)-сон, 2006 йил 9 ноябрь | www.21asr.com

ИФТИХОР

Ўзбекистон қарийб 2 ой мобайнида дунё нигоҳида бўлди

3



ИҚТИСОДИЁТ

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун фермерларга 84 млрд. сўмдан ортиқроқ имтиёзли кредит ажратилди

6



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Афғонистонда қорадори экинлари майдони 59 фоизга ўсиб, ялпи ҳосил 6100 тоннага етган

7



Бюджет лойиҳаси муҳокамасига бағишланди

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ БЮДЖЕТ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ҚЎМИТАСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ушбу қўмита раиси А.Аҳадов бошқарган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар фракциялари, тегишли вазирлик ва идоралар, банк ва ташкилотлар вакиллари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

■ **Т.БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири**

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳаси биринчи ўқишда депутатлар томонидан берилган таклифлар инобатга олинган ҳолда иккинчи ўқишда муҳокама этилди. Ўзбекистон молия вазирининг ўринбосари С.Бекенов маъруза қилди.

Мамлакатимизнинг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларни янада ривожлантиришга йўналтирилиши учун мўлжалланган маблағларни ҳисобга олган ҳолда тузилганлиги таъкидланди. Юртимизда иқтисодиёт соҳасидаги ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришиш имконини яратади.

Келгуси йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишларига барқарор иқтисодий ўсишни, иқтисодиёт ва унинг алоҳида соҳалари макроиқтисодий ва молиявий жиҳатдан мувофиқ бўлишини, аҳолининг турмуш даражасининг ошишини таъминлашга қаратилган стратегик устувор мақсадлар асос қилиб олинганлиги таъкидланди.

2007 йилги Давлат бюджети лойиҳасининг асосий кўрсаткичларига кўра, солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклиф этилаётган тадбирлар қабул қилинганда жамланган Давлат бюджетининг тақчиллиги ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 1,0 фоизини ташкил этади.

Жорий йил Давлат бюджетида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари 51,1 фоиз бўлиши кутилаётган бўлса, 2007 йили бу рақам 54,3 фоиз даражасида бўлиши кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан бир қатор таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Солиҳ ЗОИР олган суратлар

Ҳиндистоннинг "SPENTEX TOSHKENT TO'YTEPA" хусусий корхонаси мамлакатимиз енгил саноати тизимида ўзига хос ўрин тутади. Мазкур корхонада бозор иқтисодиёти талаблари асосида иш юритилиб, йилига 40 минг тонна калава ип ва 22 миллион погон метр суруп жаҳон андозаларига мос ҳолда ишлаб чиқарилаяпти. Бу ердаги 24 та цех замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Корхонада 4 минг нафар киши меҳнат қилмоқда.

Бу дунёда яратилган нарсаларгина қолади

O'ZLIDEP ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ «ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИДАГИ ТАДБИРЛАР НАТИЖАСИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИБ, ҲОМИЙЛИК ИШЛАРИГА ҚАРИЙБ 1 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА МАБЛАҒ САРФЛАНГАНИНИ ҚАЙД ЭТДИ

Бу воқеага ўн ойдан ошди. Юртбошимиз таклифи билан 2006 йил — "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинганидан кейин Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси ўтказилди. Унда қизғин музокаралардан сўнг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастури учун таклифлар киритишга қарор қилинди.

— Мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламда бошланган ҳомийлик ҳаракатига биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшишга аҳд қилдик, - дейди O'zLiDeP Тошкент шаҳар Бектемир кенгаши раисининг ўринбосари Рустамжон Маматхонов. - 3 январь куниёқ туман корхоналарининг директорлар кенгаши ҳамда партия туман кенгашининг қўшма йиғилиши чақирилди.

Давоми 2-саҳифада.

ННТлар тараққиёт йўлида

"ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ЎРТАСИДАГИ ЎЗИГА ХОС КЎПРИК", ДЕЯ ТАЪРИФЛАНАЁТГАН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ИҚТИДОРИ ВА САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТДАГИ ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШ БУГУНГИ КУНДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРДАН БИРИДИР

■ **Сайёра ТУРҒУНБОЕВА**

2006 йил март ойида ННТларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан ташкил этилган илк танловда 80 дан ортиқ лойиҳа иштирок этиб, улардан 19 таси 73 млн. сўм миқдордаги маблағ билан таъминланган эди. Иккинчи танловда эса 140 дан ортиқ ННТлар қатнашди. Энг яхши деб топилган лойиҳалар учун 100 млн. сўм миқдорида грант ажратилди. Эълон қилинган навбатдаги танловни уч асосий йўналиш бўйича ўтказиш, энг яхши лойиҳаларга 5 млн. сўмдан грант ажратиш кўзда тутилмоқда.

— Мамлакатимизда ННТларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, уларнинг жамият фаолиятидаги иштирокини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ижрочи директори Рифат Сарибоев. — Бундан мақсад турли гуруҳ ва қатламларнинг хоҳиш-иродаси ҳамда ижтимоий қизиқишларини рўёбга чиқаришдан иборатдир.

Маълумки, ННТларнинг аксарияти айни кунда жамият ҳаётининг у ёки бу соҳасида тадқиқотлар олиб бориш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, хайрия тадбирлари ўтказиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланмоқда. Хусусан, жорий йилда ассоциация ва унга аъзо бўлган ННТлар томонидан бир қатор мақсадли лойиҳалар, жумладан, аёллар нодавлат нотижорат ташкилотлари форуми, ногиронлар автораллиси каби бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Болалар уйи тарбияланувчилари иштирокида суратлар кўргазмаси ташкил этилди. Республика миқёсида ўтказилаётган бундай лойиҳалар аҳоли томонидан илиқ кутиб олинмоқда. 2007 йилги иш режасига мувофиқ асосий эътибор фуқаролар, хусусан, ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, экология ҳамда ижтимоий гуманитар соҳаларга оид долзарб масалаларга қаратилади. Иқтисодий лойиҳалар эса фақат грант танловлари асосида амалга оширилади. Кўзланган мақсадларни рўёбга чиқаришда Олмалиқ, Навоий кон-металлургия комбинатлари, Бекобод металлургия комбинати, шунингдек, ЮНИСЕФ, БМТ Тараққиёт дастури, ЕХҲТ ва Жаҳон банки каби хорижий ҳамкорлар ассоциацияга ёрдам кўрсатмоқдалар.

Ассоциация эса, ўз навбатида мамлакатимизда фаолият юритаётган ННТлар вакиллари билан яқин ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун бор имкониятларни ишга солаяпти.

Узоқ ва яқин хорижда

КОНГРЕССДА КУЧЛАР ТЕНГЛАШДИ

France Presse агентлиги тарқатган хабарга қараганда, АҚШда сешанба куни бўлиб ўтган оралиқ сайловлари натижасида Демократлар партияси Конгрессининг Вакиллар палатасида кўп ўринни эгаллайдиган бўлди.

Дастлабки маълумотлар кўрсатаётганидек, демократлар 435 имкониятдан 221 ўринни қўлга киритишган. Бу билан улар республикачилардан 18 та мандатни олиб қўйишган.

АҚШ парламентининг қуйи палатасига бўлиб ўтган сайловларда демократлар эришган ғалаба Оқ уй томонидан эътироф этилди. Президентнинг матбуот котиби Тони Сноунинг сўзларига қараганда, маъмурият мухолифат вакиллари билан Ироқдаги уруш ва террорчиликка қарши кураш сингари долзарб масалалар юзасидан бирга ишлашга тайёрдир.

Республикачилар 1994 йилдан буён Вакиллар палатасида аксарият ўринни эгаллаб келишаётганди. Чамаси, АҚШ тарихида илк маротаба аёл киши - Вакиллар палатасидаги демократлар етакчиси Нэнси Пелоси янги спикер этиб сайланади, деб таъкидлайди агентлик.

Сенатда кўп ўринни республикачилар сақлаб қолишди. 36 та штатнинг губернаторини тайинлаш бўйича ўтказилган сайлов натижалари эса ҳали эълон қилинмади.

САРКОЗИНИНГ НАПОЛЕОНЧА РЕЖАЛАРИ

Сешанба куни Францияда мамлакат ички ишлар вазири Николай Саркози ҳақида ҳажвий китоб босиб чиқарилди, деб ёзади The Independent газетаси.

Нашрнинг 150 та саҳифасида 51 яшар сиёсатчи энгашган, нигоҳлари ўткир, тишлари қайралган ҳолда тасвирланган. Ҳажвчилар қаҳрамони наполеонча кибр-ҳаволи одам сифатида тасвирланган. У доимо фақат битта мақсадни — ҳокимиятни кўзлайди. Муаллифлар вазирнинг Францияда 2007 йилда бўлиб ўтадиган президент сайловларига қадар келажагини тасвирлашар экан, аччиқ киноянн аямай кулги қилишган.

Китобни босиб чиқаришга тайёрлаган Favard нашриётида ички ишлар вазирини "кулгили тадқиқотчи" деб аташмоқда. Асар охирида муаллифлар бу ҳажвларда фойдаланган манбалар рўйхати келтирилган.

Китоб "Саркозининг бўёқларсиз, сирли қиёфаси" деб аталади. "Сирли қиёфа" дейилишига сабаб ИВВ раҳбари 2005 йили турар жойлардан бирида тартибсизликлар қилганларни "ювиб" ташлашга ваъда берган эди.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА

*Орадан **11 йил** ўтгач, биз пахта ва ғалланинг **80 фоиз**дан зиёдроғи хусусий секторда етиштирилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугун ҳеч бир иккиланишларсиз айтиш мумкинки, қишлоққа саноатни олиб кираётган ҳам, янги иш ўринлари яратаётган ҳам қишлоқ мулкдорлари, яъни хусусий сектор вакилларидир. Яқин-яқингача ширкат ёки жамоа хўжалигида ишлаб, тирикчилигини аранг ўтказиб келган деҳқон бугун фермерлар отрядининг фаол аъзосига айланди.*

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 7 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1	Австралия доллари	948,92	1	Миср фунти	215,53	1	Польша злотийси	407,82	10 Жанубий Корея вони 13,09
1	Англия фунт стерлинги	2343,26	1	Исландия кронаси	18,10	1	СДР	1831,16	10 Япония иенаси 104,44
1	Дания кронаси	210,21	1	Канада доллари	1090,14	1	Туркия лираси	850,65	1 Россия рубли 46,17
1	БАА дирҳами	335,67	1	Хитой юани	156,51	1	Швейцария франки	982,89	1 Украина гривнаси 244,13
1	АҚШ доллари	1232,84	1	Малайзия ринггити	337,21	1	ЕВРО	1566,45	

ЯХШИЛИКНИНГ кучи унинг оддийлигидадир

O'ZLIDEP ТУЗИЛМАЛАРИДА ШАРҲЛАР

Бу дунёда яратилган нарсаларгина қолади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

■ Мир ТОҲИР

Ўша куниёқ ҳар бир корхона ўзи қиладиган ишлари, масъул ходимлар ва сарфланадиган сармоялар, ижро муддати белгилаб олинди. Жумладан, "Нерудник" акциядорлик жамияти "Роҳат" маҳалласида замонавий гузар қуриб беришга қарор қилди. Орадан кўп ўтмай, янги иншоотнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳам тайёр бўлди. Объектни бунёд этишдаги барча ташкилий ишлар ва сарф-харажатларни "Нерудник" акциядорлик жамияти раҳбари, O`zLiDeP Бектемир туман кенгаши раиси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Рауфхон Шарипов ўз зиммасига олди. Шундай қилиб гузар қурилиши бошланиб кетди. Қурувчилар ҳам, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳам тиним билмай меҳнат қилдилар. Аҳоли томонидан бир неча бор ҳашар уюштирилди. Ишларнинг боришини партия туман кенгаши назорат қилиб турди. Ниҳоят, гузар битказилди. У мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида — 27 август куни фойдаланишга топширилди. Замонавий услубда безатилган бу бинонинг биринчи қаватида 200 ўринли анжуманлар зали, 2-қаватида эса маҳалла фуқаролар йиғини идораси, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Гузар ҳозир "Роҳат", "Миришкор" ва "Зилола" маҳаллалари аҳолисига хизмат қилмоқда. "Нерудник" АЖ бу объект қурилишига 115 млн. сўм сарфлади.

Бу гузар Ҳомийлар ва шифокорлар йилида партия туман кенгаши ташаббуси ва ташкилотчилигида амалга оширилган ишлардан биттаси, холос. Тумандаги 20 га яқин йирик корхона ҳомийлик ҳаракатига салмоқли ҳисса қўшди.

Яқинда O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси мажлисида "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурига киритилган объектларни қуриш ва таъмирлаш ишларининг бориши мониторинг қилинди. Эришилган натижалар чакки эмас. Жами 15 объектда ишлар кўнгилдагидек бажарилгани қайд этилди. Мана, баъзи мисоллар: "Тошкент ёғмой комбинати" очиқ акциядорлик жамияти "Чашма" маҳалласидаги салкам бир километр йўл ва лотоклар қурилиши учун 10 миллион сўм ажратди. Бу йил саноат корхоналари тоб-ускуна, жиҳозлар билан таъминлади. "Диком-Сервис" МЧЖ "Динамо" болалар футбол клубига спорт анжомлари олиб берди. "Нерудник" акциядорлик жамияти "Чашма" маҳалласидаги салкам бир километр йўл ва лотоклар қурилиши учун 10 миллион сўм ажратди. Бу йил саноат корхоналари ҳомийлик ишларига қарийб бир миллиард сўм сарфладилар.

Ҳомийлар томонидан обод қилинган объектлар сони йил охиригача яна ортади.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турганидек, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси, етакчи корхоналарнинг моддий кўмагида бир қатор ишлар қилинди. Уларнинг барчаси пойтахтликларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, уларнинг яхши яшашлари учун муносиб шарт-шароит яратиш йўлидаги хайрли саъй-ҳаракатларнинг натижасидир.

O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

Истеъмол бозори ҳақида ғамхўрлик

Тошкент шаҳри. Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежида O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ҳузуридаги Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази ва партиянинг Собир Раҳимов туман кенгаши томонидан тадбиркорлар ва ишбилармонлар билан "Давра суҳбати" ўтказилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликни ривожлантиришга мамлакатимизда катта аҳамият берилиб, бу соҳадаги вазифалар давлат ички сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу боис "Давра суҳбати" тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар самарали иш юритишлари ва ривожланишлари учун қулай шарт-шароит яратишга ҳамда шундай йўл орқали юртимиз истеъмол бозорини юқори сифатли товарлар билан тўлдиришга оид масалалар муҳокамасига бағишланди.

"Давра суҳбати"да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент минтақавий стандартлаштириш метрология ва сертификатлаштириш маркази ходимлари, "Тош-АЭРО" ихтисослашган божхона мажмуаси ҳуқуқшунослари, Даромадлар ва божхона қиймати бўлими бошқарувчилари иштирок этишди.

Партия — бизнесга кўмакдош

Наманган. 2006 йилнинг 4 ноябрь куни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг 2006 йил 18 сентябрдаги "O`zLiDeP бошланғич ташкилотлари раҳбарлари ва партия фаоллари учун доимий фаолият юритувчи семинарларнинг тўртинчи босқичини ўтказиш тўғрисида"ги фармойишини бажариш мақсадида вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан Норин тумани O`zLiDeP бошланғич партия ташкилоти раҳбарлари ва партия фаоллари учун **"Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбикорликни ривожлантиришда ҳамда қўллаб-қувватлашда O`zLiDeP бошланғич ташкилотлари ва партия фаолларининг роли"** мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.

Анжуманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашда солиқ имтиёзларининг, имтиёзли кредитларнинг ҳамда мавжуд қонунчиликнинг роли мавзуида қизғин мунозара бўлиб ўтди.

Тадбирда O`zLiDeP Наманган вилоят кенгаши аъзолари, Наманган давлат университети, муҳандислик-иқтисодиёт институти, муҳандислик-педагогика институти профессор-ўқитувчилари, Фермер хўжаликлари уюшмаси, Савдо-саноат палатаси вилоят филиаллари мутахассислари иштирок этдилар.

Билимсиз тадбиркор узоққа боролмайди

Жиззах. "Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашда бошланғич партия ташкилотлари ва партия фаолларининг роли" мавзуида Жиззах вилоятида ҳам 4-5 ноябрь кунлари партия вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан АТ "Пахтабанк"нинг Дўстлик тумани бўлимида бошланғич ташкилотлар ва фаоллар учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад партия ташкилотлари ва фаоллари учун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ҳамда иқтисодиётда тутган ўрни, бу ҳаракатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар, унинг равнақ топишига тўсқинлик қилаётган сабаблар ва муаммоларни таҳлил қилишдан иборат эди. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, бу соҳа вакилларига кенг имкониятлар яратилмоқда ҳамда иқтисодиётни босқичма-босқич эркинлаштириш мақсадида қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинаяпти. Ўқув жараёнида ана шу масалалар батафсил кўриб чиқилди.

ДАВРА СУҲБАТИ ДАЛИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР,

Солиқ кодекси лойиҳаси муҳокама этилмоқда

Маълумки, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ноябрь ойи давомида республика Савдо-саноат палатаси, Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда барча вилоятларда "Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси: таклиф ва мулоҳазалар" мавзуидаги давра суҳбатларини ўтказишни режалаштирганди. Ана шундай "Давра суҳбатлари"нинг дастлабкиси Бухорода бўлиб ўтди.

■ Асхор ИСТАМОВ, "XXI asr" мухбири

O`zLiDeP вилоят кенгаши раиси Мансур Зокиров тадбирни очаркан, солиқ сиёсати жамиятда иқтисодий барқарорликни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади. Шундан сўнг бир гуруҳ фермерлар, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш корхоналари, кичик ва хусусий бизнес вакиллари сўзга чиқиб, янги таҳрирдаги "Солиқ кодекси" юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар, кодексни ҳар жиҳатдан такомиллаштириш O`zLiDePнинг асосий электорати ҳисобланган хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорлар ва фермерларнинг манфаатларига тўла мос тушишини эътироф этдилар.

Маълумки, ҳозирги пайтда мамлакат парламентида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳаси устида қизғин иш олиб борилмоқда. Мулкдорлар қатлами манфаатлари ҳимоячиси бўлган O`zLiDeP бу муҳим меъёрий ҳужжат муҳокамасида тадбиркорлар, фермерлар, саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналари вакиллари кенг ва фаол иштирок этиши учун барча чораларни кўраяпти.

Бугунги кунда солиқ тўловларининг салмоқли қисми тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Агар 2005 йилда юридик шахслардан олинадиган даромад ва ягона солиқ ставкалари, дивидендлар ва фоизлар тарзидаги тўловларнинг миқдори 15 фоизни ташкил этган бўлса, 2007 йилга бориб уни 10 фоизга камайтириши мўлжалланмоқда. Бинобарин, O`zLiDeP солиқ қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни яқдиллик билан қўллаб-қувватлайди. Зеро бу, аввало, турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқдир.

"Давра суҳбати" давомида Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари, солиққа тортиш тизимидаги янгиликлар, ягона солиқ сиёсатининг афзалликлари хусусида кенг маълумотлар берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси раиси Адҳам Шодмонов, республика Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари Дилмурод Мирзакаримов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Илҳом Насриев, республика Давлат солиқ қўмитаси бош давлат солиқ инспектори Нигорахон Мирсодиқова кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиқиб, мамлакат хусусий секторини жадал ривожлантириш, банк, молия, солиқ тизимлари фаолиятини такомиллаштириш, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини кенгайтириш юзасидан жойларда амалга оширилаётган ишларга тўхталдилар, шунингдек, O`zLiDeP таянадиган қатлам — тадбиркор ва фермерларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, либерал ғоялар асосида бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

Шундан сўнг давра суҳбати қатнашчилари гуруҳларга бўлиниб, секция машғулотларида иштирок этишди, хусусий мулкчилик ва унинг ҳуқуқий асосларига оид кенг маълумотларга эга бўлишди.

Албатта, тадбир давомида ўртага ташланган фикрлар, таклифлар янги таҳрирдаги Солиқ кодексини бойитиш ва уни янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.



Ҳадемай остона хатлаб, қиш кириб келади. Ҳар фаслнинг ўзига яраша гашти бор. Айниқса, биринчи қор ёққанида каттаю кичик қалбида оппоқ ниятлар туғилади. Ҳамма бир-бирини табиатнинг ана шу беғубор неъмати билан табриклайди... Иссиқ уйда ўтириб, ташқарида ёғаётган паға-паға қорни кузатишнинг завқи бошқача-да...

Қарс икки қўлдан чиқади

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА «ЎЗБЕКЭНЕРГО», «ЎЗКОММУНХИЗМАТ» ВА «ЎЗТРАНСГАЗ» МУТАСАДДИЛАРИ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШДИЛАР

■ Ўз мухбиримиз

Аммо ана шу қувончли дамларда уйингиз яхши исимаса, боз устига, газ босими паст ёки электр нури хира тортиб, телевизор томоша қила олмасангиз, табиат мўъжизаси ҳам татимайди. Бундай аҳволга тушмаслик учун эса аёзли кунларга олдиндан тайёргарлик кўриш керак.

Ўтган жума куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган тадбир айнан ана шу, айтиш мумкинки, нозик масалага бағишланди. Унда мамлакатимизда аҳолини иссиқлик, электр энергияси, табиий газ билан таъминлашга масъул мутасадди идоларнинг раҳбарлари — "Ўзбекэнерго" ДАК бошқаруви раиси Ботир Тешабоев, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги бош директори Ўткир Холмуҳамедов, "Ўзтрансгаз" компанияси директори Иркин Вагапов матбуот ходимларига мавсумга тайёргарлик даврида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот бердилар.

Маълумки, ҳукумат қарорида белгилаб берилган чора-тадбирларни амалга ошириш ва бу соҳада хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ишини яхшилаш билангина мақсадимизга эриша олмаймиз. Бунда фуқароларимизга ҳам кўп нарса боғлиқ. Йиғилишда алоҳида таъкидланганидек, 2006 йилда 3,5 мингта кўп қаватли уйларни таъмирлаш режалаштирилган бўлса, шу кунгача уларнинг 2500 дан зиёди тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Қолган кўп қаватли уйларда эса бу ишлар давом эттирилаяпти. Умумлаштириб айтганда, ушбу ишлар учун жами 28 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратилган. Унинг 18 млрд. сўми бюджет ҳисобидандир.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: мамлакатимиздаги мавжуд 28 мингта кўп қаватли уйларнинг 98 фоизи хусусий мулк ҳисобланади. Ана шу рақамдан келиб чиқадиган бўлсак, ҳукумат томонидан берилаётган ёрдам кўлами нечоғли катта эканлиги аниқ-равшан намоён бўлади. Лекин бундай ғамхўрликка истеъмолчилар, яъни сиз билан биз қай даражада жавоб қайтараяпмиз?

Афсуски, бу саволга ҳар доим ҳам ижобий жавоб қайтариш мушкул. Сабаби— давлат томонидан қопланадиган маблағнинг 90 фоизи ажратилгани ҳолда аҳолидан йиғилиши лозим бўлган маблағнинг 56 фоизигина таъминланган, холос.

— Қиш мавсумида бир кечакундузда 145-160 млн. квт/соат электр энергияси сарфланади, - деди ўз сўзида "Ўзбекэнерго" ДАК раиси Б. Тешабоев. - Бунинг учун жуда катта миқдорда хом ашё ресурслари, маблағ сарфланади. Аммо айни пайтда истеъмолчиларнинг 80 фоизи электр ҳақини ўз вақтида тўламаётгани белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишига тўсқинлик қилаяпти.

Худди шундай муаммога газ таъминоти идоралари ҳам дуч келмоқдалар.

Хўш, вужудга келган вазиятни ҳал этишнинг қандай йўллари бор? Бизнингча, "Қарс икки қўлдан" нақлига амал қилиб, хизмат кўрсатувчи ҳам, истеъмолчи ҳам бир-бирини тўғри тушуниб, ҳаракат қилмоғи лозим. Акс ҳолда муаммонинг ечимини топиш мушкуллашаверади.

Нима бўлганда ҳам яқинлашиб келаётган қиш мавсумидан хавотир олишга асос йўқ. Бунинг учун мутасадди идоралар томонидан ҳар томонлама тайёргарлик кўрилган. Газ ҳам, электр энергияси ҳам, сув ҳам маромида бўлади.

Аммо бировимиз хавотирланишга асос йўқ экан-да, дея фикр юритсак, бошқа биримиз эса уйимиз, ҳовлимиз, иш жойимизда исрофгарчиликка йўл қўйсак, бундан кимга зарар етади?

Матбуот анжуманида аҳолига етказиб берилаётган ичимли сувнинг 1 литри учун 6 тийин ҳақ олинаётганини эшитиб, кўпчилик ишонмади. Аммо бу — ҳақиқат. Лекин ҳар доим ҳам ана шу ҳақиқат замирида қанчалаб мутахассис юртдошларимиз меҳнати, тунни тонгга улаб кечираётган машаққати борлигини ҳар доим ҳам ҳис этаяпмизми?

Муборак ҳадисларда ҳам исрофгарчилик катта гуноҳлар қаторида тилга олинган. Файласуфларимиз эса тежамкорликка доноликнинг қизи, қаноатнинг синглиси ва эркинликнинг онаси, дея таъриф берадилар. Бас, шундай экан, исроф ўрнига тежамкорликка зўр берайлик-да, том маънодаги завқни туяйлик.

ХАЛҚНИНГ холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш демакдир

ИФТИХОР

СУҲБАТ

Улуғ юртнинг байрамлари ҳам улуғ бўлади

2006 йилнинг кузи озод ва обод юртимиз учун ниҳоятда қутлуғ келди. 1 сентябрь куни халқимиз энг улуғ ва энг азиз байрам — Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигини тантанали нишонлади. 27 октябрда қадимий ва ҳамиша навқирон Қарши шаҳрининг 2700, буюк давлат арбоби, соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги катта байрам қилинди. 2 ноябрь куни эса яна бир қутлуғ сана — Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Бошқача айтганда, Ўзбекистон қарийб икки ой мобайнида дунё нигоҳида бўлди.

Мухбиримиз Зумрад АБРОРОВА кўҳна ва гўзал шаҳар — Хивада ўтказилган, дунё илм-фани равнақига салмоқли ҳисса қўшган Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги байрамида иштирок этиб, тантаналар мезбони — Хива тумани ҳокими Даврон АЛИҚУЛИЕВ билан суҳбатлашди.

— Даврон Сафоевич, байрам мезбонларидан бири сифатида бўлиб ўтган улкан шодиёнанинг аҳамияти ҳақида нималар, дея оласиз?

— Улуғ ва қадим шаҳар кўплаб тантаналарнинг гувоҳи бўлгани тарихдан яхши маълум. Аммо бугунги авлод ва шахсан мен учун куни-кеча бўлиб ўтган маросим ниҳоятда қутлуғ воқеадир.

Ал-Хоразмий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз каби буюк зотлар таваллуд топган юрт мустақилликдан сўнг янада зўр улуғворлик касб этди. Шаҳримизнинг 2500 йиллик юбилейи кенг нишонланган 1997 йилда тантанага ташриф буюрган Юртбошимиз Хиванинг ўтмиши, бугунги куни ва келажагига юксак баҳо берганди. Ушанда юбилей шарофати ва давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Хоразм Маъмун академиясига қайта асос солинганди. Орадан салкам 10 йил ўтгач, академиянинг ўн асрлик тўйида иштирок этган Юртбошимиз тантанали маросимда сўзлаган нутқида: "... Хоразм Маъмун академияси умумбашарий цивилизация ривожидаги ўрни ва аҳамияти жиҳатидан қадимий Афинадаги Платон академияси, Мисрдаги Александрия кутубхонаси, Шарқ оламида "Байтул-ҳикма" номи билан шуҳрат қозонган Бағдод академияси каби машҳур илмий марказлар билан бир қаторда туриб, Шарқ мусулмон Ренесанси — Уйғониш даврининг ёрқин намоёни сифатида тарихимизнинг зарҳал саҳифаларини ташкил этади", дедилар. Менимча, бу бўлиб ўтган тантанага берилган энг юксак баҳодир.

— Академияда бугун ҳам катта илмий-изланиш ишлари олиб борилаётганининг гувоҳи бўлдик...

— Худди шундай. Айни пайтда ушбу илм даргоҳини шаҳарсиз, Хивани эса Маъмун академиясисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айнан академиянинг 1000 йиллиги туфайли Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарори қабул қилингач, улуғвор шаҳарни янада кўркам қилишга астойдил киришилди. Маърифат масканининг ички қисми ва ташқариси қадимий андозаларга монанд этиб таъмирланди. Алломалар хиёбони бунёд этилди. Боғ ва гулзорлар яратилди, фавворалар, тунги неон чироқлари ўрнатилди.

Айни пайтда академик Азимбой Саъдуллаев раҳбарлигидаги олимлар катта аҳамиятга молик илмий ишларни амалга оширишмоқда. Масалан, Хива хонлигига оид архив ҳужжатлари, илмий мерос чуқур ўрганилмоқда. Бундан ташқари, турли соҳалар, жумладан, "Хоразм воҳаси тупроқ-иқлим шароитида истиқболли, серҳосил, касалликларга ва зараркунандаларга чидамли ўсимликлар навларини яратиш", "Хоразм вилояти шароитида асосий оралиқ, такрорий экинлар парвариши самарали технологиясини жорий этиш", "Маккажўхори уруғчилиги тизимини барпо қилиш", "Қуйи Амударё минтақаси тупроқ сув-туз режимини яхшилайдиган коллектор-заҳкаш тизимлари иш режимини бошқариш усулларини ишлаб чиқиш" каби мавзуларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаяпти. 12 та ғўза нави, 2 та буғдой ва беда, 10 хил шоли навининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини чуқур ўрганиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

— Тўйга тўёна билан бориш халқимизнинг энг ардоқли қадриятларидан бири ҳисобланади. Шу маънода хиваликларнинг юбилей туҳфалари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Айни пайтда туманда 1418 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, улар асосан пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик билан шуғулланаяпти. Улар тасарруфидаги ер майдони эса 17 минг гектарни ташкил этади. Фермерларимиз жорий йилда 9840 тонна буғдой, 177 тонна пилла, 20 минг 400 тоннадан зиёд пахта хирмони уйдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманда 19475 та хонадондаги мавжуд аҳвол ўрганиб чиқилди. Чорвачилик билан шуғулланиш истагини билдирган 4199 нафар одамга уй иши билан шуғулланиш имконияти яратилди. 146 оилага бепул сигир берилди. Бундан ташқари, қорамол сотиб олиш учун тижорат банклари томонидан 261 кишига 210,7 млн. сўмлик, бандлик жамғармаси ҳисобидан 74 кишига 56,1 млн. сўмлик кредит ажратилди.

Капитал қурилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳам байрам учун ҳақиқий туҳфа бўлди. Масалан, ўтган 9 ойда туманда 13 млрд. 788 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4 фоиз кўпдир. Шу давр ичида янгидан 1040 ўринли 2 та мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Агробизнес коллежи ва 2 та мактаб мукаммал, 3 та илм маскани, шунча болалар спорт иншооти жорий таъмирланди. Шу давр мобайнида аҳоли маблағлари ҳисобидан 32,8 минг квадрат метр уй-жой қурилди. 2,5 км. узунликда газ, 3 км. масофага ичимли сув қувурлари тортилди.

Умуман олганда, жорий йилни ҳар соҳада муваффақиятлар билан якунлаш учун бор имкониятларни тўлиқ ишга солаяпмиз.

— Хива нафақат ишлаб чиқариши, балки туризм индустрияси ҳам ривожланган шаҳарлардан биридир. Шундай экан...

— Ҳақиқатан ҳам шаҳримизга Хизр назари тушган. Шу боис меҳмонлар қадами сира узилмайди. Уларга ҳар томонлама сифатли хизмат кўрсатиш учун соҳа мутасаддилари бор имкониятларини ишга солаяптилар. Шаҳримизга келаётган сайёҳлар оқимининг йил сайин ортиб бораётгани сабаби ҳам ана шунда. Уларга айни пайтда 465 ўринга эга 16 та меҳмонхона хизмат кўрсатмоқда. 2006 йилнинг 9 ойида Хивага жами 59500 сайёҳ ташриф буюрган бўлса, шундан 19 минг нафарини хорижлик, 40500 нафарини маҳаллий аҳоли вакиллари ташкил этди. Агар 2003 йилда хорижлик сайёҳлар сони 14265 нафарни ташкил этган бўлса, бу йил улар сони 20000 нафардан ошиши кутилмоқда. Шаҳримизга ташриф буюраётганларнинг аксарияти Франция, Германия, Япония, Италия, Исроил, Англия, Австрия, Испания, Австралия, АҚШ, Швейцария, Голландия, Бельгия, Корея, Россия, Канада, Хитой ва бошқа ривожланган давлатлар вакиллари эканлиги эса Хивага бўлган эътиборнинг нечоғли кучли эканлигидан далолатдир.

2006 йилнинг 9 ойида меҳмонхоналарда кўрсатилган хизматдан тушган маблағ 476 млн. 490 минг сўмни ташкил этди. Бу 2003 йилдагига нисбатан 255 млн. сўмга кўпдир.

Хулоса қилиб айтганда, кўҳна ва ҳамиша навқирон Хива мустақиллик шарофати ила ҳар томонлама гуллаб-яшнаб, юртимизнинг энг гўзал, энг ривожланган гўшаларидан бирига айланиб бормоқда.

СЕМИНАР

Бугунги кунда мамлакатимизда 185 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият юритаётган бўлса, уларга 4,2 млн. гектардан ортиқ ер майдонлари ажратиб берилган.

Айни пайтда Тошкент вилоятида 17783, Сирдарё вилоятида 8445 ва Жиззах вилоятида эса 13926 нафар фермер фаолият юритмоқда. Уларнинг 5 фоизини эса аёллар ташкил этаяпти.

Гулистон фермер аёлларни кутиб олди

... ВА ЯНГИ ТАШАББУСЛАР БИЛАН КУЗАТДИ

■ **Лола БЕШИМОВА, Солиҳ ЗОИР** *(сурат).*

Шу ҳафтада Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ўқув-семинар ҳам айнан ана шу вилоятлардаги фермер аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий билимларини ошириш масалаларига бағишланди. Унда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари, прокуратура, банк, адлия идоралари вакил-

лари, қишлоқ хўжалигига алоқадор корхона ва ташкилотларнинг масъул ходимлари ҳамда тадбиркорлар иштирок этдилар.

Тадбирда мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, тадбиркорлик ҳаракати ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш борасидаги ишлар, эришилган ютуқлар, фермер хўжаликлари фаолиятининг қонуний-меъёрий асослари, уларни молиялаш ва минитехнологиялар билан таъминлашда лизинг хизматларининг ўрни, республикада фермер аёллар фаолияти ва улар учун яратилаётган шарт-шароитлар хусусидаги фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тадбирда, шунингдек, фермер аёлларимиз олдида турган муаммоли масалаларни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан маърузалар тингланди. Улар ечими хусусидаги фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Семинарда сўзга чиққан O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари М. Акрамова, Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А. Эрдонаев, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси раиси ўринбосари Ў. Норинов, Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ҳайдарова ва бошқалар республикамизда фермерлик ҳаракати кун сайин қулоч ёйиб бораётганлиги, уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришдаги улуши тобора ошиб бораётганлиги, фермер хўжаликлари фаолиятидаги айрим муаммолар, уларни ҳал қилиш йўл-йўриқлари хусусида гапирдилар.

Анжуманда мазкур вилоятлардаги фермер аёлларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан бевосита мулоқотларини ташкил этиш орқали улар олдида турган муаммоларнинг қонуний асосларини яратиш, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга оид фикр-мулоҳаза ва таклифларни инобатга олган ҳолда амалдаги қонунларга ўзгартиришлар киритиш, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги таклифларни мутасаддилар идораларга тақдим қилишга келишиб олинди.

Иштирокчилар томонидан аҳоли даромадини ошириш, турмуш даражасини кўтариш ва бу борада аниқ чора-тадбирларни амалга оширишда O`zLiDeP фаоллари доимо ташаббускор бўлишлари лозимлиги таъкидланди.

Семинар давомида вилоятда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ҳамон ноқонуний аралашувлар учраб турганлиги, бундай нохуш ҳолатларга чек қўйиш, улар бемалол фаолият юритишлари учун муносиб шарт-шароит яратиш ҳамда ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашда O`zLiDeP вакиллари, партия, депутатлик гуруҳларининг масъулияти ва фаоллигини оширишга қаратилган вазифалар белгиланди.

ТРЕНИНГ

Ёшлар орасига аниқ ғоя ва мақсад билан

Агар инсонда аниқ ғоя ва мақсад бўлмаса, унинг яшашидан маъно қолмайди. Юртбошимиз томонидан қабул қилинган "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида" ҳамда "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш учун O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси мафкуравий ишлар режасини ишлаб чиқиб, ўз фаолиятини шу асосда олиб бормоқда.

■ **Ўз мухбиримиз**

Жумладан, белгиланган режа асосида меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда, ўқув юртларида ҳар икки қарор мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири кеча партия Шайхантоҳур туман кенгаши томонидан Тошкент архитектура ва қурилиш институти анжуманлар залида ташкил этилди. "Хотин-қизлар ва ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий мавқеини оширишда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ўрни ва роли" мавзуига бағишланган мазкур тадбирда партия фаоллари, O`zLiDeP Тошкент шаҳар ва туман кенгашлари "Аёллар қаноти" гуруҳларининг раҳбарлари, шаҳар кенгаши депутатлари, талаба-ёшлар, тумандаги корхона ва муассасаларнинг ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатини O`zLiDeP Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Одилжон Аширов кириш сўзи билан очди. Таъкидландики, Юртбошимиз томонидан мафкура соҳасида қабул қилинган ҳар иккала қарор Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она-юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдиришга қаратилгандир.

Учрашувда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, "Маърифатпарвар аёллар" уюшмаси раиси Турсуной Содиқова "Қадриятларимиз, миллий ва диний анъаналаримиз, урф-одатларимизни қадрлайлик!" мавзуида қизиқарли маруза қилди. Таниқли шоира ва публицист мазкур учрашувга фақат маруза билан келгани йўқ. У ўзининг "Тошкент Ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси томонидан босиб чиқарилган "Келин бўлиш илми", "Куёв бўлиш илми" ва "Оға-инилик илми" номли рисолаларини қатнашчиларга совға қилди.

"Эрудит-Бекажон" ижодий марказий директори, шоир Муҳаммад Исмоилнинг "Ёшларимизнинг маданий-маърифий савиясини оширишда ўзбек шеъриятининг роли" мавзуидаги маърузасини давра аҳли мароқ билан тинглади.

Тадбир қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди, қатнашчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга муфассал жавоб олдилар.

O`zLiDeP Шайхонтоҳур туман кенгаши бундай учрашувларни туман ҳудудида жойлашган бошқа ўқув юртларида ҳам мунтазам ўтказишни режалаштирганлиги қатнашчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

ЖАРАЁН

ЁШЛАРИМИЗ биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт

«ИШБИЛАРМОН ЎҚУВЧИ»

Ишбилармонлик истеъдоди куртаклари

ТОШКЕНТДА «ИШБИЛАРМОН ЎҚУВЧИ» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ҳар қандай жамиятда ёшлар ўз ўрнимни топаман, кўзлаган мақсадимга, албатта эришаман, ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган туйғу билан яшасалар, шунга интилсалар, шубҳасиз ўша мамлакатнинг келажаги порлоқ бўлади. Бунинг учун эса ёшларни касб-ҳунарга, тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиб бориш биринчи галдаги вазифалардандир. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўз фаолиятининг дастлабки даврлариданоқ ана шу масалага катта эътибор қаратиб келмоқда.

Хуршида ҚОДИРОВА

O`zLiDeP Дастурида ҳам партия давлатнинг яхлит ва талабга жавоб берадиган ёшлар сиёсатини амалга оширишга аҳамият қаратиши алоҳида таъкидланган. O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун «Ишбилармон ўқувчи» стипендиясининг таъсис этилиши ҳам ана шу йўналишдаги тадбирлардан биридир. Ўтаётган ҳафтада жорий йил стипендиантларини аниқлаш бўйича республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, 2004 йилда ташкил этилган мазкур кўрик-танлов ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга, улар ҳисобидан партия тарафдорлари сафининг кенгайишига хизмат қилмоқда.

Уч босқичда, яъни туман, вилоят, республика миқёсида ўтказилган мазкур кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан жами тўққиз мингдан ортиқ академик лицей ўқувчилари ва беш мингга яқин касб-ҳунар коллежи талабалари бор куч-маҳоратларини намоён қилган ҳолда иштирок этганликларини айтиб ўтиш жоиз.

— Партиямизнинг асосий таянч қатламларидан бири ёшларимиздир — деди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоев тадбирнинг очилиш маросимида. — Партиянинг қуйи бўғинлари ташаббускорлиги остида олис қишлоқ жойларда "Ишбилармон ўқувчи" кўрик-танловининг муҳим тадбир сифатида ўтказилаётганлиги қувонарли ҳол, албатта.

Шуни ишонч ва қатъият билан айтишим керакки, партиямиз бундан кейин ҳам мамлакатимиз ёшларининг истиқболини яратишда бор куч-ғайратини аямайди. Танловнинг якуний босқичига йўлланма олган 42 нафар номзод ўз билими ва амалий ишларини барчага намоён қилди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳар бир номзоднинг ишбилармонлик кўникмалари, тадбиркорлиги, етакчилик қобилияти, тенгдошлари билан ишлай билиши, миллий истиқлол ғояларини қай даражада ўзлаштира олгани, ўзи танлаган соҳа бўйича эгаллаган билим ва кўникмаси ҳамда партия фаолиятидаги иштироки ўрганиб чиқилди. Барча иштирокчилар эгаллаган билими, изланувчанлиги, қўйинг-ки, оддий нарсадан яратган кўзни қувонтирадиган гўзал буюмлари билан ҳам йиғилганларни ҳайратда қолдиришди.

Савол-жавоб тарзида ўтказилган суҳбатдан сўнг ғолиблар эълон қилинди. Барча йўналишлар, жумладан, зардўзлик, тикувчилик, ёғоч ўймакорлиги, уста-дурадгорлик бўйича ўз маҳоратини кўрсата олган ижодкор ёшлар ғолиблик онларини сабрсизлик билан кутаётган эдилар. Кўрик-танлов якунида 14 нафар иштирокчи "Ишбилармон ўқувчи" стипендиясининг совриндори деб топилди.

Тадбирдан сўнг танлов ғолибларидан баъзиларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Дилдора ШОМУРОДОВА П.Ф.Баровский номидаги тиббиёт коллежи талабаси:

— Аввало, мен бугунги кунда O`zLiDeP ҳар томонлама камол топган, Ватанга содиқ, фаол ёшларни тарбиялашда етакчилик ролини ўйнаётганини ифтихор билан айтишим мумкин. Мен "Ишбилармон ўқувчи", деганда нафақат бирор касб ёки ҳунарга қизиқиб, ўз устида ишлаётган, балки, ўзининг теран фикрлаши, билими ва иқтидори, қолаверса, ташкилотчилиги, етакчилик қобилияти билан барча тенгқурларига ўрнак бўла оладиган ўқувчини кўз олдимга келтираман. Мен бугун "Ишбилармон ўқувчи" стипендияси соҳиби бўлдим. Бундай ишонч мени янада олға томон ундайди: ўзимдаги етакчилик қобилиятим, сиёсий билимим ва дунёқарашимни янада ривожлантириб, келажакда Ватанимнинг ривожи учун ўз ҳиссамни қўшаман. Қолаверса, барча ёшларни O`zLiDeP сафида бўлишга чақираман.

Мансур ЖУМАБОЕВ, Сирдарё вилоятидаги Гулистон академик лицейининг 3-курс талабаси:

— Дастлаб ушбу танловнинг туман босқичида иштирок этаётганимда ғолиблик у ёкда турсин, ҳатто вилоят босқичига ҳам чиқа олмасам, керак деб ўйлагандим. Лекин танловнинг адолат мезонлари асосида ўтказилиши, ҳар бир иқтидор эгасининг бажарган ижодий иши ёки ишбилармонлик фаолияти ҳамда қизиқишларига алоҳида эътибор қаратилиши менга ҳам маънавий, ҳам руҳий далда берди. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг тасаввурлари, қизиқишлари, интилишлари, қолаверса, ижодкорлик ва яратувчанлик қобилияти кимгадир аҳамиятли туюлса, кимнидир эътиборини жалб қилса, ундаги ягона мақсад сари интилиш учун замин яратади. Бугунги ғалабам менга ана шундай имкониятни яратиб берди, деб бемалол айтишим мумкин.

Гавҳар ЭШҚОБИЛОВА, Навоий шаҳар тиббиёт коллежи талабаси:

— Ушбу кўрик-танловда мен яна бир карра ўзим қизиққан ва севиб шуғулланадиган дизайнерлик, тикувчилик касбининг менга номаълум бўлган қирралари ва сир-асрорини ўзлаштириб олдим. Бундай имкониятни тенгдошларим — танлов қатнашчилари яратиб беришди. Ҳакамлар ҳайъатининг иштирокчилар билан ўтказган суҳбатлари чоғида сиёсий билимларимни мустаҳкамлаш билан бирга тадбиркорлар ва ишбилармонлар фаолиятига доир тажриба ва кўникмаларга ҳам эга бўлдим. Ушбу кўрик-танловнинг янада оммавийлашишини хоҳлардим. Токи чекка-чекка қишлоқлардаги тенгдошларимиз ҳам бундай қизиқарли мусобақаларда қатнаша олсинлар.

Таъкидлаш жоизки, бу каби тадбирларнинг мамлакатимиз миқёсида кенг ўтказиб борилиши, албатта, келажагимиз эгалари — ёшларни янада юксак марраларга чорлайди. Ёшлар учун ўз куч-ғайратини ва амалий ёрдамини аямай келаётган O`zLiDeP ушбу қизиқарли тадбир орқали барча Ўзбекистон ёшларини "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам" деган ғоя остида бирлаштиришга ҳаракат қилмоқда.



9 НОЯБРЬ — ЖАҲОН СИФАТ КУНИ

Эркин бозор иқтисодиётининг энг муҳим тамойилларидан бири сифатдир. Сифатсиз маҳсулот билан рақобатга бардош бериб бўлмайди. Шу боис Халқаро сифат ташкилотининг 1989 йил Париж шаҳрида ўтказилган анжуманида ноябрь ойининг иккинчи пайшанбаси Жаҳон сифат куни деб эълон қилинган. Мамлакатимизда ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, ҳукуматимизнинг корхоналарда халқаро стандартларга мос сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга оид қарори асосида изчил чора-тадбирлар амалга оширилянти. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг янги технологиялар билан таъминланиши, иш унумдорлиги ва сифатига янгича ёндашиш ўз самарасини бермоқда.

Сифат — бозорнинг муҳим тамойили

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири

Шу билан бирга, юртимизда сифатни кафолатлаш тизими жорий этилгани давлатимиз томонидан фуқаролар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилаётган улкан эътибор самарасидир. «Ўзстандарт» агентлиги тизимида айни йўналишдаги ишлар мувофиқлаштирилиб, халқимизнинг энг сифатли маҳсулот ва хизматлардан баҳраманд бўлишига қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилянти. Замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган лабораторияларда синчковлик билан текширилган, сифати талабга тўла жавоб берадиган маҳсулотларга мувофиқлик сертификатлари бериляпти. Жорий йилда уларнинг сони қарийб юз мингтани ташкил этди.

Бозорларимиздаги маҳсулотлар сифатини назорат қилиб бориш ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Бу борада агентликнинг аккредитация ва инспекцион назорат бошқармаси томонидан доимий мониторинглар олиб бориляпти.

— Инсон саломатлиги истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатига ҳам боғлиқ, — деди мазкур бошқарма бошлиғи Абдуҳамид Каримов ЎзА мухбирига. — Масалан, ҳар куни харид ва истеъмол қилинадиган нонинг сифати муҳим аҳамиятга эга. Шу боис пойтахтимиздаги савдо расталари ва дўконларидаги нон маҳсулотларининг стандарт талабига мос келишини ўрганиш мақсадида мониторинг ўтказилди.

Ҳозир бозорларимизда маҳсулотларни жойлаштириш борасида изчил тадбирлар амалга оширилянти. Натижада расталарда маҳсулотлар аввалгидек аралаш-қуралаш эмас, балки батартиб турганига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, нон маҳсулотларининг ўз жойи бор. Аммо айрим сотувчилар борки, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида жорий этилаётган қоидаларга амал қилишдан кўра, ўз манфаатини устун кўяди. Шу боис мониторинг пайтида нонинг совун ва кир порошоклари, парфюмерия, косметика маҳсулотлари билан бир жойга қўйилганига ҳам дуч келдик.

Қолаверса, сотилаётган кўпчилик нон маҳсулотларининг мувофиқлик сертификати, кузатув ҳужжатлари мавжуд эмас. Енгил автомашиналарнинг юкхонаси-ю ўриндиқларида нон ташиш санитария талабларига зид бўлса-да, кўпчилик ҳамон шу йўлни афзал билмоқда. Савдо қилишга мослашмаган жойларда — кўчада нон сотиш ҳолатлари кўплаб учрайди.

Бундай ҳолатлар эса маҳсулот сифатининг бузилишига олиб келмоқда. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган тадбиркорлар бу муқаддас неъмат истеъмолчига покиза етиб боришидан кўра, ундан келадиган даромадга кўпроқ қизиқиши бунга сабаб бўлмоқда.

Бозорлардаги балиқ маҳсулотлари савдоси юзасидан ўтказилган мониторинг натижаларида ҳам шундай ҳол кузатилди. Ўрикзор ул-гуржи, Олой, Фарҳод бозорларида дудланган балиқ, тузланган икра, сельд, қизил икра, музлатилган балиқ сотувчи тадбиркорлар ўртасида ўтказилган сўровда улар бундай маҳсулотларга мувофиқлик сертификати олиш лозимлиги тўғрисида тушунчага ҳам эга эмаслиги маълум бўлди.

Аниқланаётган бундай қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш юзасидан агентлик зарур чора-тадбирларни кўряпти. Шу йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар натижасида 3,5 миллиард сўмликдан зиёд яроқсиз маҳсулотлар сотилишининг олди олинди.

ҲУКМ ЎҚИЛДИ

Саддам Ҳусайн устидан олиб борилаётган суд жараёни уни дорга осиш орқали ўлим жазосига ҳукм қилиш билан якунланди.

7 - САҲИФАДА

АЁЛ – БУ ОНА, ТАРБИЯЧИ, ИЖТИМОИЙ ФАОЛ ШАХСДИР. БИНОБАРИН, УЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ЖОЙЛАРДАГИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА БЎЛИШИ ЛОЗИМ.

ҚУЙИ БЎҒИНЛАР — ПАРТИЯНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИДИР. ОММА УЛАР АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИШЛАРГА ҚАРАБ, ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИГА БАҲО БЕРАДИ.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЯШАМОҚ ЎЗИНГНИ КУРАШ ВА ИЗЛАНИШ ОЛОВИДА ЁНДИРМОҒИНГДИР

Ўз-ўзингга ишонсанг

МАСЛАКДОШЛАРИНГНИ ҲАМ ОРТИНГДАН ЭРГАШТИРА ОЛАСАН

Меҳнатинг қадр топаётганини, фикр-мулоҳазаларинг эътиборсиз қолмаётганини ҳис этсанг, ўз кучингга бўлган ишонч янада ортади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биз ниҳоятда мураккаб бўлган даврда яшаяпмиз. Ёнатрофимизда юз бераётган ҳодисалар, дунёнинг турли нуқталарида рўй бераётган қирғин-баротларни эшитиб, кўриб ўз уйингдаги тинчлик, ишхона, маҳалла-кўйдаги хотиржамликнинг қадрига етаркансан. Юқорида таъкидлаганим, вужудингдаги ишонч сени ва атрофингдагиларни бунёдкорликка ундаркан...

■ **Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири**

Шу партиянинг оддий бир аъзоси сифатида ана шуларни кўп ўйлайман. Партиямиз зиммасидаги вазифалар эса бизни яна бир карра масъулият деган юк салмоғининг тобора ортиб бораётганини ҳис этишга мажбур этаяпти. Менимча, сиёсий партия аъзосининг оддий фуқаролардан фарқи ҳам ана шунда бўлса керак.

Бошланғич партия ташкилотлари аъзолари эса ўн карра масъулият билан ишлашлари керак, деб ўйлайман. Чунки биз жуда катта ваъдалар берган, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар масъулияти учун жавобгарликни ўз зиммасига олган сиёсий кучимиз. Ҳеч қачон ана шу масъулиятни, жавобгарликни унутмаслигимиз керак. Акс ҳолда сайловчиларимиз, бизга ишонч билдирган электоратимиз ишончини сўндириб қўямиз.

Менимча, масалага ана шу нуқтаи-назардан қарасак, тўғроқ бўларди. Ҳеч эътибор берганмисиз.

Талимаржон иссиқлик электр станцияси қурилиши собиқ иттифоқ даврида бошланган бўлсада, фақат мустақиллик йилларидагина биз уни тўла ишга туширишга муваффақ бўлдик.

Бундай қудратли станция саноқли мамлакатлардагина мавжуд, десак, хато қилмаймиз. У кам ёнилғи сарфлаб, кўп энергия ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилганлиги билан ажралиб туради.

Корхонада амалга оширилаётган сиёсий-тарбиявий ишларда O`zLiDeP аъзоларининг ўрни тобора ортиб бораётгани эса партиянинг ғоя ва мақсадларини қўллаб-қувватлаётганлар сони ортаётганини кўрсатаяпти... Улар меҳнатда ўрнак кўрсатиш билан бирга партия ғояларини кенг тарғиб қилиш йўлида кучғайратларини аямаётирлар.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам 1988 йилда электр станциясига ишга келган А. Элмўминов ҳақ. Бугунги кунда жамоа ўртасида унинг ўз ўрни ва ҳурмати бор. Хусусан, БПТ етакчиси сифатида сиёсий фаолият доирасини кенгайтирмоқда. O`zLiDeP аъзолари сони қисқа фурсат орасида 120 нафарга етганлиги ҳам бежиз эмас. Энг муҳими, партия аъзолигига жамоатчилик ғамини ейдиган, унинг ташвишларини юрақдан ҳис этадиган фаоллар қабул қилинаяпти. Билдирилган юксак ишончни оқлаш БПТ раисининг асосий шиоридир. Турли мавзулардаги учрашувлар, давра суҳбатлари кўпчиликда катта таассурот қолди деб айтиш мумкин. Партия хонаси дид билан жиҳозланган. Бу ерда турли сиёсий адабиётлар, партиянинг дастур ва низомлари, "XXI asr" газетаси тахламлари, депутатлар ва O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳаётига оид маълумотлар билан танишиш мумкин.

Етакчи бизни бошланғич партия ташкилотининг навбатдаги йиғилишига таклиф этди. Ошкоралик ва ўз-ўзини танқид руҳи остида ўтган тадбир кўпчиликда катта таассурот қолдирганлиги шубҳасиз. Партия фаолларидан бири, муҳандис Назокат Рўзиева хотин-қизлар ҳаётига оид муаммоларни ўртага ташлаб, тўпланганлар эътиборини улар ечимига қаратди. Зеро аёл — бу она, тарбиячи, ижтимоий фаол шахсдир. Бинобарин, улар ҳақида ғамхўрликни кучайтириш жойлардаги бошланғич ташкилотларнинг диққат марказида бўлиши лозим.

— O`zLiDeP дастурида тиббий хизмат маданиятини ошириш юзасидан аниқ вазифалар ўртага қўйилган, — дея таъкидлади Назокат Рўзиева.

Йиғилишда иштирок этарканмиз, жамоа аъзолари ўртасидаги якдиллик ва ҳамжиҳатликни кўриб, мамнун бўлдик. Улар шифохона қурилишини тезлаштириш учун қўлдан келганча ёрдам кўрсатишга тайёр эканликларини билдирдилар. Тадбир давомида 20 нафар жамоатчи ёшларга партия билетлари топширилди.

Корхона ишчи-хизматчиларининг меҳнат шароитини яхшилаш, саломатликлари ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш диққат марказида турган масалалардан биридир. Бу партия фаоли Анвар Ашуров зиммасига муҳим топшириқ сифатида юклатилган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 40 киши республика сиҳатгоҳларида даволанди. Корхона тасарруфидаги "Нурафшон" оромгоҳида ишчи-хизматчиларнинг 300 нафар фарзандлари соғломлаштирилди. 40 та оилага 5 миллион 572 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Ўзбекистон ёқилғи, энергитика, кимё саноати ва геология ходимлари ўртасида бўлиб ўтган волейбол мусобақасида талимаржонлик ёшлар ғолиб чиқиб, фахрли ўринлардан бирини эгалладилар. Жамоа аъзоларининг уй-жойларини таъмирлаш, хотин-қизлар учун зарур меҳнат шароити яратиш, зарарли цехларда ишлаётганларни бепул сут маҳсулотлари билан таъминлаш, турли тадбирлар уюштириш борасида ҳам партия бошланғич ташкилоти бош-қош. Нишон тумани қишлоқлари ҳамда Нуристон шаҳарчасида ўтказилган ўнлаб тадбирлар давомида истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраш, ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, жойларда сиёсий ҳушёрликни ошириш, маҳаллаларни ободонлаштириш, тўй-маъракаларни чиқимсиз ўтказиш, ишсизликни камайтириш масалалари хусусида сўз юритилиб, муҳим таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Бобоёр Туробов каби фаоллар ана шу каби оммавий-сиёсий ишларда алоҳида ўрнак бўлишмоқда.

Яна бир гап. Бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан шаҳарчада янги мевазор боғ ва спорт-соғломлаштириш мажмуини барпо этишга киришилди. Зарур маблағ корхона ҳисобидан молиялаштирилади. Келгусида бу ерда турли мусобақалар ва байрам тадбирларини ўтказиш кўзда тутилмоқда.

— Ҳаётнинг ўзи олдимизга янги талабларни қўймоқда, — дейди партия етакчиси. — Бизга партиянинг обрў-эътиборини оширишга, унинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришга қодир бўлган фидойи инсонлар керак. Бу борада ҳар биримиздан алоҳида масъулият талаб этилади, албатта. Фаровон жамиятни юксак маънавиятли инсонлар яратади. Бинобарин, омма орасига чуқурроқ кириб боришимиз, ғоявий-тарбиявий ишларни янада кучайтиришимиз лозим. Зеро халқ манфаати, турмуш фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиш ҳар биримизнинг муҳим партиявий бурчимиздир.

Алишер ЭЛМЎМИНОВ, 1967 йили Чироқчи туманида туғилган. Сирдарё энергетика техникумини битирган. Айни кунда Талимаржон иссиқлик электр станциясида катта инспектор, бошланғич партия ташкилоти раиси.

Мамлакатимиз ҳаётидаги ислоҳотлар, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларда, шубҳасиз, ёшларнинг ўрни беқиёсдир. Шунинг учун ҳам уларга ишонч билдирилмоқда. Бу ишончни оқлаётганларни кўрганимизда эса кўнглимиз равшан тортади.

Ташаббускорлик —

МАҚСАДГА ЭРИШИШ ГАРОВИ

■ **Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI asr» мухбири**

Нуробод туманидаги "Шамс-Мир" хусусий савдо-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, тала ба бўлишига қарамасдан, кўпқиррали фаолият билан шуғулланаётган тадбиркор Азим Хўжақулов эришаётган муваффақиятлар фикримизга яққол далилдир.

Ҳаёт ташвишлари ҳар қандай инсонни тоблайди. Ундан ўзига тегишли хулоса чиқариб, тақдирини тўғри изга солиб олиш ҳар бир кишининг ўзига боғлиқ. Акаси оламдан ўтганида, Азимжон эндигина ўрта мактабни тугаллаган эди. Бу мусибат уни узоқ вақт тушкунликда юришига сабаб бўлди. Аммо табиатан чаққон, уддабурон йигит ўйлаб-ўйлаб акасининг ишларини давом эттиришга қарор қилди. Бугунги кунда Азимжон бошлиқ бўлган "Шамс-Мир" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси фаолияти кўп жиҳатдан бошқаларга ибратлидир. Негаки, фирма қурилиш ва юқори босимга чидамли сув қувурлари, девор блоклари ва бошқа турли хил қурилиш материаллари ишлаб чиқариш билан бир қаторда туман марказида ошхона, озиқ-овқат дўкони, иш олиб бормоқда.

— Тўғри, O`zLiDePга қабул қилишганига кўп бўлгани йўқ. Аммо, шундан сўнг, ҳаётимга маъно кирганини ҳис қилдим, — дейди Азимжон Хўжақулов. — Жамият ривожидан ҳаммадан кўра манфаатдор бўлган тадбиркор ва ишбилармонлар, деҳқон-фермерларнинг манфаатлари, орзу- интилишларини ифода этадиган партиянинг юзага келиши мени бефарқ қолдирмади, албатта. Энди мен одамлар дарди билан яшашни , масъулиятни, сиёсий жиҳатдан фаолроқ бўлиш лозимлигини, жамиятдаги мавжуд муаммо ва камчиликлар ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмаслигини англаб етдим. — Ҳозирги кунда доимий ишчи-ходимларнинг барчаси O`zLiDeP аъзосидир.

БПТ раҳбари сифатида иш олиб бораётган бу тадбиркор йигит ўтган йил мобайнида партия аъзолари билан биргаликда қиймати 133 млн. сўм бўлган 33-ўрта мактабни қуриб фойдаланишга топширди. Бу йил эса Қизил қўёш қишлоғида 280 ўринли 5-мактабни бунёд этди. Меҳнатларига яраша фойда кўришди. Қурилишнинг ўзидан 20 млн. сўмлик даромад келди. Бу каби муваффақиятларда илғор ишчилар, БПТ аъзолари Исомиддин Маматов, Бахтиёр Юсупов, Латиф Исмоиловнинг муносиб ҳиссалари бор. Корхона ўтган йилнинг тўққиз ойи давомида биргина қурилиш ишларидан 10 млн. сўмлик даромад қилган бўлса, бу йил шунча муддат ичида 15 млн. сўмлик соф фойда кўрди. БПТ аъзолари иқтисодий томондан ночор оилаларга иложи борича моддий ёрдам бериб келишмоқда. "Шарқ юлдузи" маҳалласига корхона ҳисобидан компьютер олиб берди. Самарқанд давлат қишлоқ хўжалиги институти ва чет тиллар институтида ўқиётган 4 нафар талабанинг оиласига моддий кўмак кўрсатилди.

— Биз ягона мақсад сари бирлашиб, яъни мустақил давлатимиз мустаҳкамлиги, фаровонлиги учун ўзимизда чуқур масъулият сезиб ишлаган ҳолда кўзлаган орзуниятларимизга етишга интилмоқдамиз — дейди тадбиркор. — Жамоамиз асосан ёшлардан ташкил топган. Ҳафталик йиғилишларимизда партия аъзоларимиз ўзларини тўлқинлантириб турган муаммоларни, таклиф ва муаммоларини дадил ўртага ташлайдилар. Хуллас, жамоамиз O`zLiDeP ғоялари билан ҳамнафас бўлишга интилмоқда. Токи давлатимиз, халқимиз биз ёшларга катта ишонч билдираётган экан, ўз навбатида биз ҳам O`zLiDeP ғоялари билан қуролланган ҳолда юрт юкини кўтаришга, мамлакатимиз салоҳиятини мустаҳкамлаш учун бор куч-ғайратимизни аямайлик.

Азим ХЎЖАҚУЛОВ, 1982 йил Нуробод туманида туғилган. Нуробод туманидаги "Шамс-Мир" хусусий савдо-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг менежмент факультети 4-курс талабаси. O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

СУД ТИЗИМИ

й ном олиб, лекин ҳеч
сдан тугатилаётган
б бораётгани
унга сабаб — ўша
келажак режалари
дсизлиги,
игидандир. Шу
лайлик, ўтган
поят хўжалик
тилган бўлса,
она

ТАЖРИБА алмашиш
инсоният йўлидаги ёруғ шамчироқдир

ИСЛОҲОТ

КОНФЕРЕНЦИЯ

Андижонда халқаро анжуман

«КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ» ЛОЙИҲАСИ ИШ БЕРУВЧИЛАР ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ ХАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

■ Ўз мухбиримиз

Маълумки, қатор давлатларда ўрта махсус малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш жараёнида ишлаб чиқариш корхоналари, яъни иш берувчилар таълим-тарбия муассасалари билан бевосита ҳамкорликда иш олиб боради. Худди шу тажриба Ўзбекистон Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилган. Чунки республикамизда барча давлат корхоналари хусусий тузилма бозор муносабатлари ва рақобат шароитида, ўз ишлаб чиқаришининг моддий-техникавий ва технологик асосларини энг юқори замонавий талаблар асосида янгилашга киришган. Улар кадрларни танлаш масаласига ёндашувни тубдан ўзгартирмоқдалар.

Кўпгина мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар қатори Швейцария Конфедерацияси ҳам Ўзбекистон хукуматининг таълим тизимидаги ислоҳотларини қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдириб, 2002 йил 20 сентябрда давлатларимиз ўртасида молиявий, техникавий ва бегараз ёрдам кўрсатиш келишувини имзолади. Унга асосан 2004 йилнинг май ойидан буён, Ўзбекистон-Швейцария "Касбий кўникмаларни ривожлантириш" лойиҳаси Андижон вилоятида муваффақиятли амалга оширилмоқда.

"Автоматлаштирилган тизимларга техник хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш ва созлаш" тажрибавий таълим йўналишларини танлаб олган мазкур лойиҳа айни вақтда танлов асосида 255 нафар ўқувчи қабул қилиб, улар билан 1,2,3-босқичларда машғулотлар олиб бормоқда. Тажриба-синов майдончаси сифатида эса Андижон шаҳар маиший хизмат, Хонобод компьютер технологиялари ва Андижон шаҳар кичик ва ўрта бизнес коллежлари танлаб олинди. Лойиҳанинг ҳамкор корхоналари "ЎзДЭУавто" акциядорлик жамияти, "Андижонкабель" Ўзбекистон — Россия, "Ойим Текстиль" Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхоналари ва "ЎзДЭУавто" учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқараётган "Ўз Корам", "Ўз Семюнг", "Ўз Тонг Хонг", "Ўз Донг Янг", "Ўз Коджи" Ўзбекистон-Корея қўшма корхоналаридир.

Конференциянинг расмий очилиши "ЎзДЭУавто" акциядорлик жамиятининг мажлислар залида бўлиб ўтди. Иштирокчилар касб-ҳунар коллежлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг амалий намуналари, тўпланган тажрибаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидаги таклифларни атрофлича муҳокама қилдилар.

— Ушбу лойиҳанинг ижрочи органлари Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётгани бежиз эмас, — деди Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази директорининг ўринбосари А.Х. Юнусов. — Чунки Андижон вилояти республикамизнинг машинасозлик ва енгил саноат ривожланган ҳудудларидан бири ҳисобланади. Бу ерда янги техника ва технологиялар билан ишлаётган қўшма корхоналар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Уларга эса замонавий, билимли, юқори малакали кадрлар керак. Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиб, биз ҳам ички, ҳам халқаро даражадаги меҳнат бозорида рақобат қила олишга қодир малакали кадрларни тайёрлаш имконини берадиган барча ижобий жиҳатларни жамлашимиз, умумлаштиришимиз ва мослаштиришимиз лозим. Лойиҳа бўйича олиб борилаётган машғулотларнинг илк натижалари, тажрибавий таълимнинг дастлабки самаралари 2007 йилда махсус гуруҳларнинг қалдирғоч битирувчилари тимсолида намоён бўлади. Эришилган ютуқлар кейинчалик мамлакатимизнинг бошқа кўплаб ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари фаолиятига жорий этилади.

— Жаҳон амалиёти кўрсатишича, — дея мулоҳаза қилди Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси П. Буркхард, — бир мамлакатнинг касб-ҳунар таълими тизимини бошқасига кўчириб бўлмайди ва албатта, лойиҳанинг мақсади Швейцария, Германия ва бошқа давлатларнинг таълим тизимини қолип сифатида Ўзбекистон таълим тизимига кўчириб ўтказишдан иборат эмас. Ушбу анжуман давомида лойиҳа доирасида касб-ҳунар коллежлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг амалий шакллари таҳлил қилинади ҳамда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилади.

— Ўқув юрти раҳбарлари, ўқитувчилар, ҳамкор корхона мутахассисларидан иборат 16 нафар киши Германия ва Швейцарияда ўз малакасини оширдилар, — дейди Андижон маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директори Т.Сиддиқов. — Мазкур давлатларнинг 10 дан ортиқ халқаро экспертлари лойиҳага киритилган касб-ҳунар коллежлари раҳбар ходимлари, ўқитувчи ва ўқувчилари учун махсус фанлар бўйича амалий машғулотлар олиб бормоқдалар. Лойиҳа доирасида касб-ҳунар коллежлари базасида 19 та ўқув ва лаборатория хоналари ҳамда ўқув устахоналари ташкил этилди.

Конференция иштирокчилари "ЎзДЭУавто" акциядорлик жамияти цехларида коллежлар талабалари ишлаб чиқариш амалиётини ўтишлари учун яратиб берилган иш ўринлари билан танишиб чиққач, "Касбий кўникмаларни ривожлантириш" лойиҳасига киритилган Андижон маиший хизмат касб-ҳунар коллежи фаолиятини ҳам ўрганди лар.

СУД ТИЗИМИ

Кейинги йилларда ҳуқуқий ном олиб, лекин ҳеч қандай фаолият юритмасдан тугатилаётган корхоналар сони кўпайиб бораётгани афсусланарли ҳолатдир. Бунга сабаб — ўша корхоналар раҳбарларининг келажак режалари пухта эмаслиги, ҳуқуқий саводсизлиги, бошқарувчилик қобилияти йўқлигидандир. Шу ўринда рақамларга мурожаат қилайлик, ўтган йилнинг саккиз ойи давомида вилоят хўжалик суди томонидан 45 та корхона тугатилган бўлса, бу йил шу муддат ичида 118 та корхона фаолияти тўхтатилди.

Номи бору ўзи йўқ

ЁКИ ИШЛАМАСДАН ТУГАТИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР ХУСУСИДА

■ Исомиддин ЭГАМБЕРДИЕВ, Самарқанд вилоят хўжалик суди судьяси

Энг ачинарлиси — бундай корхоналарнинг аксарияти рўйхатдан ўтиб, тадбиркорлик субъекти сифатида ҳуқуқий номга эга бўлса-да, бирор-бир фаолият тури билан шуғулланмаган. Бир сўз билан айтганда, номи бору, ўзи йўқ корхоналардир. Мисол учун, Самарқанд шаҳар ҳокимлигида 1998 йили рўйхатдан ўтган "Ғайрат-98" хусусий ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси шунча йил давомида бирор-бир иш юритмаган. Яна бир ачинарли томони: ҳужжатларда кўрсатилган манзилда кўкка учган ёки ерга кирган каби, фирманинг ўзи йўқ. Фирма раҳбари Б.Бобоходжаев эса суд жараёнларидан қочиб юрди. Шунингдек, Самарқанд шаҳар ҳокимининг қарори билан 1994 йили рўйхатга олинган "Нур Али" хусусий фирмасини ҳам мисол қилиб келтириш мумкин. Бу корхона рўйхатдан ўтгандан буён фаолият юритмаган. Ҳужжатда кўрсатилган манзилда эса ҳеч қандай фирма йўқ.

Суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327 сонли қарори билан тасдиқланган "Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаётган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 5.2- бандига асосланиб, юқорида тилга олинган фирмалар фаолиятини тугатиш ҳақида қарор чиқарди.

Хўш, ишламайдиган тадбиркорлик субъектларини расмийлаштиришдан кимга қандай наф бор? Бундай фирмалар раҳбарлари кимни алдамоқчи бўлмоқдалар? Аслида алдаётган ҳам, бундан юзи шувут бўлаётган ҳам уларнинг ўзи эмасми?

ИҚТИСОДИЁТ

Экспорт ва яна экспорт

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ХОРИЖГА МАҲСУЛОТ СОТИШ ҲАЖМИ ЎТГАН ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИГА НИСБАТАН 17.6 ФОИЗГА ОРТДИ

Иқтисодиётни техник жиҳатдан юксалтириш, аввало саноатнинг устувор соҳаларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш, ташқи ва ички бозор талабларига мос келадиган маҳаллий янги, рақобатбардош маҳсулотларни кўпайтириш ҳозирги босқичда тараққиётнинг энг муҳим вазифаларидан бири, албатта.

■ Рустам ТЎРАЕВ, Сирдарё вилоят ҳокимлигининг ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи

Ҳозирги пайтда воҳамизда хорижий сармоялар иштирокидаги 39 та корхона фаолият кўрсатаётган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида улардаги ташқи савдо айланмаси 63,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12,6 фоиз ортиқдир. Маҳсулот экспорт қилиш ҳажми эса 56,5 млн. АҚШ доллари миқдорида амалга оширилди ва 17,6 фоиз ўсди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ташқи бозорга чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг аксарияти пахта толаси бўлиб, у умумий экспорт ҳажмининг 91,5 фоизини ташкил этаяпти. Ўтган даврда бундан 51,7 млн. АҚШ доллари миқдоридаги тушумга эга бўлдик.

Тўғри, экспортда фақат тола эмас, балки бошқа маҳсулотларнинг ҳам салмоғи йилдан-йилга ортиб бораяпти. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ҳажми 2208,5 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Агар 2005 йилнинг биринчи ярмида маҳсулотлар экспорти ҳажми 48027,9 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу соҳадаги кўрсаткич амалдаги йилнинг шу даврида 56503,9 минг АҚШ долларига тенг бўлди. Бошқача айтганда, ўсиш ҳажми 17,6 фоизни ташкил этди.

Импортга келсак, у ўтган йилнинг биринчи ярмида 8611,2 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу йил 7,4 млн. АҚШ доллари миқдорида бўлди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоларининг аксарият қисмини ташкил этаётган кичик ва ўрта бизнес тузилмаларининг экспорт соҳасидаги ҳиссаси етакчи ўринни эгалламоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатаяпти-ки, улар ўтган йилнинг биринчи ярмида атиги 858,1 минг АҚШ доллари миқдорида экспортга маҳсулот чиқарган бўлсалар, жорий йилнинг шу даврида бу рақам 2240,3 минг АҚШ долларига етди.

Хорижий сармоялар иштирокидаги қўшма корхоналаримиз фаолияти хусусида ҳам ана шундай илиқ фикрлар билдириш мумкин.

Жорий йилнинг биринчи ярмида улар томонидан экспорт қилинган маҳсулотлар 6,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврида эса бу рақам 6,1 млн. АҚШ долларидангина иборат эди, холос. Бунда "Сайхунмедтекс" Ўзбекистон-Швейцария, "Сарбонтекс" Ўзбекистон-Испания қўшма корхоналарининг ҳиссаси катта бўлаётганини алоҳида таъкидлагим келади.

Шу ўринда вилоятда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспортига вилоятда жиддий эътибор қаратилаётганини таъкидлаш ўринли, деб ҳисоблайман.

Ҳозирги кунда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштирадиган 1367 та фермер хўжалигимиз бор. Улар етказиб бераётган маҳсулотлар умумий ҳажмининг 8849 тоннасини қайта ишлаш имкониятларига эга.

Тўғри, Боёвут, Сирдарё, Ховос, Гулистон туманлари ҳозирги пайтда экспортга маҳсулотлар чиқараяпти. Аммо қатор туманларимизда бундай имкониятларнинг йўқлиги энг катта нуқсонларимиздандир. Катта захиралар мавжудлигига қарамай, Оқолтин, Сардоба, Мирзаобод, Сайхунобод туманларида ҳали етарлича иш олиб боролмаяпмиз. Масалан, жорий йилда хорижга 250 тонна булғор қалампири чиқарилди. Демак, Сирдарёнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш учун қўшимча имкониятларни топишимиз мумкин экан.

Шунинг учун ҳам йил бошида "СирдарёАгроЭкспорт" компаниясини ташкил этдик. Бундан ташқари, яна 3 та — "Боёвутсабзавотмева", "Ширин", "Шарбатли узум шодаси" агрофирмалари ишлаётган бўлса, уларга жами 320 дан ортиқ деҳқон ва фермер хўжаликлари бирлашган.

Ҳозирги пайтда ана шу корхоналаримизда унчалар эътибор берилмаётган туршак, шарбат ва компотлар тайёрлашни ҳам режалаштирмоқдамиз.

Табиийки, бундай корхоналаримизга замонавий технологиялар керак, албатта. Маркетинг хизмати таҳлилларига қараганда, вилоятда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларидан камида 200 таси мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган технологиялар ва зарур асбоб-ускуналар харид қилишга қодир экан. Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Минитех экспо-2006" кўргазма-савдосида фермерларимиз учун катта имкониятлар яратилди. Сирдарёликлар ҳам ана шу кўргазма-савдодан ўзларига керакли технологиялар ва ускуналарни танлаш, тегишли фирмалар билан шартномалар тузишни режалаштирмоқдалар.

ЯШИЛ ДУНЁ

намни сақлаш, атмосфера ва иқлимни мўътадиллаштириш, сел келиши ҳамда сув тошқинларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этадими?

11- САҲИФАДА ЎҚИНГ

ТАДБИРКОРЛИК

Фарғонада "Машҳура" фирмаси филиалининг ташкил топиши рўзғорда орасталикка интилувчи куюнчак аёлларимиз учун айни муддао бўлди. Қисқа муддат орасида турмушга файз, оилага даромад келтирувчи ҳунарга эга бўлишни ким ҳам истамайди, дейсиз?!

Қиз бўлса, чевар бўлсин

■ Ўз мухбиримиз

Айни кунда республикамизда фирманинг йигирмадан зиёд филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу шохобчаларда ёшлар бичиш-тикиш, пазандалик, сартарошлик, маникюр-педикюр, элита пардалари тикиш, маржон шодалаш сирларини ўрганишаяпти. Ўқув курслари — бир ойдан тўрт ойгача. Фарғона филиалида йилига минг нафардан ортиқ хотин-қизлар касб-ҳунар эгаси бўлишмоқда. Уларнинг аксарияти "Машҳура"да олган билимларини амалда кенг қўллаб, яхши натижаларга эришаётир. Курсга қабул қилишдан олдин, биринчи навбатда талабгорларнинг қизиқиши, лаёқати, истеъдоди инобатга олинади.

— Пазандалик, тикувчилик касбларига қизиқиш катта, — дейди филиал раҳбари Моҳира Акбарова. — Шу боис Бешариқ, Сўх каби чекка туманлардан ҳам келиб ўқишаяпти.

Аёл зоти билмаганини билгиси келаверади. Айниқса, бу рўзғор тутиш билан боғлиқ бўлса, ўрганиш учун ҳеч қачон кеч эмас. Тўққиз нафар мутахассис ёшларга касб сирларидан сабоқ беришмоқда. Улар пойтахтдаги бош офисда малака ошириб қайтишган. Моҳирахон қўлига игна тутган болалик пайтларида вақти келиб, минглаб қизларга устозлик қилишини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Ҳозирги эпчил шогирдлардан ҳам бир кун келиб фидойи, изланувчан тадбиркорлар етишиб чиқса, ажабмас.

Фирмада хайрия ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Айни кунда кам таъминланган оилаларнинг беш нафар фарзанди бепул ўқитилмоқда. Яқин-атрофдаги маҳаллаларда ўтказиладиган турли тадбирлар учун маблағ ўтказиб турилади.

ИҚТИСОДИЁТ

БАНКЛАР инвестиция жараёнининг асосий бўғинига, корхоналарнинг чинакам ҳамкорига айланмоғи, уларнинг ривожланишидан манфаатдор бўлмоғи лозим

БАНК ТИЗИМИ

Ишончли одимлар

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АТ БАНКИ БОШҚАРУВИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ШУКРУЛЛО УМУРОВ БИЛАН МУЛОҚОТ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Микрокредитбанк акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони (2006 йил 5 май) кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги яна бир муҳим қадам бўлди, десак муболаға бўлмайди. Янги банк муассасаси қандай зарурат туфайли майдонга келди? Унинг олдига қўйилган муҳим ва асосий вазифалар нималардан иборат?

"Микрокредитбанк" АТ банки бошқаруви раисининг ўринбосари Шукрулло Умуров билан ана шулар хусусида суҳбатлашдик.

■ Суҳбатдош: Носир ТОШЕВ

— Ўзингизга маълум, аграр соҳани ривожлантирмай туриб, юксак турмуш маданиятига эришиб бўлмайди. Президентимиз Фармонида ҳам масаланинг ана шу жиҳатига жиддий эътибор қаратилган. "Микрокредитбанк" жамоаси ўз олдига қўйилган талабларидан келиб чиқиб, айни кунда қандай ишларни амалга ошираяпти?

— Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга молиявий кўмаклашиш энг асосий вазифамиздир. Буни бекорга таъкидлаётганим йўқ. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ернинг ҳақиқий эгалари шакилланди. Улар манфаатдорлик қонунияти асосида меҳнат қилиб, мўл-кўлчилик яратишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бошқача айтганда, фермер хўжаликлари қишлоқ жойлардаги реал яратувчи кучга айланиб бораяпти. Ҳозирги кунда бир неча миллион киши ана шу соҳада банд. Республикамизда етиштирилаётган пахта ва ғалланинг асосий қисми фермерлар, шахсий деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.

Қишлоқ мулкдорларини молиявий қўллаб-қувватлаш турмуш фаровонлигини ошириш билан чамбарчас боғлиқдир. Биз шуни ҳисобга олиб, фермер хўжаликлари билан ҳамкорликни кенгайтиришга, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилаяпмиз. Микросармоялар тадбиркорлик фаолиятининг тоифаларига қараб ажратилмоқда. Бунда, аввало, ички имкониятлардан келиб чиқилаяпти. Бошланғич сармояни шакллантириш учун 1,5 йил муддатга мўлжалланган имтиёзли, беш фоизли, энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдоридаги микрокредитлар фермер хўжаликлари учун жуда қулайдир. Улар икки йил муддатга энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваригача бўлган кредитни ҳам олишлари мумкин. Бу микросармоя Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз миқдорида берилади.

— Банк ўз фаолиятини бошлаганига ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ. Амалий тажриба кам. Нима деб ўйлайсиз, бундай вазиятда мижозлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш муайян қийинчиликларни туғдирмасмикин?

— Гапингизда жон бор. Ҳар қандай хайрли иш осонлик билан рўёбга чиқмайди, албатта. Биз ҳаммасини олдиндан ҳисобга олганмиз. Муассасамиз замонавий техника воситалари билан таъминланган. Улар малакали мутахассислар томонидан бошқарилади. Ҳисоб-китоб жараёни қатъий назорат қилиб борилади. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, хизмат сифати ва маданиятини ошириш имконини бераётир.

Мамлакатимизда фермер хўжаликлари тармоғи йил сайин кенгаймоқда. Биз улар билан яқин ҳамкорлик қилишдан тўла манфаатдормиз. Нега деганда, қарс икки қўлдан чиқади. Жорий йилнинг ўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун фермерларга 84 млрд. сўмдан ортиқроқ имтиёзли йиллик 3 фоизли кредитлар ажратдик. Натижада пахта ва ғалла тайёрлаётган фермерларимизнинг юқори ҳосил олишларига ўз ҳиссамизни қўшдик. Шуни назарда тутиб, ҳозирданоқ келгуси йил ҳосили учун ҳамкорлик заминини яратишга ҳам ҳаракат қилаяпмиз.

Таъкидлаш жоизки, банкимизнинг фаолият доираси анча кенг. Биз фермер хўжаликларига энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 бараваригача бўлган миқдорда имтиёзли микролизинг хизматлари кўрсатиш, уларни замонавий техника воситалари, ускуна ва жиҳозлар билан таъминлашдан ташқари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги турли муаммоларни ҳал этишга яқиндан ёрдам кўрсатиш имкониятига ҳам эгамиз. Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур, деган гап бекорга айтилмаган. Хусусан, Президентимизнинг юқорида тилга олинган Фармони микросармоялаш тизимини такомиллаштириш учун янги уфқларни очиб бераяпти-ки, буни мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Айни кунда банкимиз томонидан хизмат кўрсатилаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари сони 30000 дан зиёдроқни ташкил этаяпти. Мижозларнинг ҳаётий эҳтиёжларини ўрганиш, улар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида жойларда кўплаб банк агентлари иш олиб бормоқда. Шунингдек, консалтинг хизмати йўлга қўйилган. Микрокредитлар самарадорлигини таъминлашда аҳоли ўртасида ўтказилаётган оммавий тадбирлар муҳим аҳамият касб этаяпти. Ҳозиргача ана шу мавзуда икки маротаба семинарлар ташкил қилдик. Улар тингловчилар томонидан алоҳида қизиқиш билан кутиб олинди.

— Биздаги маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда республикамиз ҳудудида "Микрокредитбанк"нинг 75 та филиали, 231 та минибанки, 16 та агентлиги иш олиб бормоқда. Улар фаолиятини такомиллаштириш, жойларда хизмат маданиятини ошириш учун нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайсиз?

— Бу чиндан ҳам ғоят муҳим масала. Зеро моддий неъмат яратиб, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган инсонлар меҳнатини ҳар қанча қадрласак оз. Улар туфайли юртимиз обод, дастурхонимиз тўкин. Шунинг ўзи фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш ҳаётий зарурат эканлигидан далолат бериб турибди. Кундалик эҳтиёжлар ўсиб бормоқда. Фермер хўжаликлари учун янги техникалар, маҳсулотни қайта ишлашга мўлжалланган замонавий технологиялар сув билан ҳаводек зарур. Биз шуни ҳисобга олиб, қишлоқ мулкдорлари учун қулайлик яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Яъни лизинг асосида уларга техника воситалари, турли асбоб-ускуналар харид қилишда молиявий кўмак берилмоқда. Чунончи, Андижон вилоятидаги "Ҳамроқулов Абдулкабий", "Ҳожиакбар Комронбек", Бухорода фалият юритаётган "Элбек", "Уйбой миришкор", "Зиё", Самарқанд вилоятидаги "Луч", "Имконият сари" фермер хўжаликлари банкимиз хизматига таяниб, қисқа вақт орасида ўз қадрларини тиклаб олишди.

Мамлакатимиз замини бой, унумдор. Унинг бағрида етиштириладиган турли хил ноз-неъматларни қайта ишлаш айни кундаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Юқори қувватли минитехнологиялар фермер хўжаликларининг мушкулини осон қилиши турган гап. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мамлакатимиз Президентининг "Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослашган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (2006 йил 24 август) айни муддао бўлди. Ундан кўзланган асосий мақсад тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш учун қулай имкониятларни яратиб беришдан иборатдир.

Қарорга мувофиқ, айни кунларда "Ўзэкспомарказ"да минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган халқаро кўргазма-савдоси давом этмоқда. Бу ерда намойиш этилаётган замонавий техника воситалари ишлаб чиқаришни юқори савияда ташкил этиш ва кўп миқдорда иқтисодий самара олиш имконини беради. Агар минитехнологияларни харид қилиш учун тадбиркорнинг молиявий аҳволи имкон бермаса, ҳеч қандай муаммо йўқ: молия ташкилотлари ўз имтиёзли кредитлари ва хизматлари билан ёрдамга келади.

Ушбу кўргазма-савдо "Микрокредитбанк" билан фермер хўжаликлари ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро банкимиз молиявий имкониятлари кенг, ўз хусусий заводи ёки ишлаб чиқариш корхонасига эга бўлган фермер хўжаликлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан тўла манфаатдор. Ҳозиргача "Микрокредитбанк" билан юзга яқин фермер ва тадбиркорлар ўртасида манфаатли шартномалар имзоланганлиги ҳам кўп нарсадан дарак бериб турибди.

— Яқин келажакдаги режалар қандай?

— Режаларимиз катта. Аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифати ва маданиятини ошириш тадбиркорликни молиявий қўллаб-қуватлаш, янги иш ўринларини яратиш асосий мақсадимиздир. Бу ҳақда юқорида гапириб ўтдим. Энг муҳими, мижозлар билан кенг кўламли ҳамкорликни йўлга қўйиш учун барча шарт-шароит мавжуд. Филиалларимиз ва минибанкларимиз асосан қишлоқ ҳудудларида жойлашган. Бу эса фермерлар ва тадбиркорлар учун катта қулайлик туғдираяпти.

Мамлакатимизда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни молиявий рағбатлантириш аҳоқида аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, янги лойиҳалар устида ўйлаяпмиз. Фермерларни ихчам ускуналар, замонавий минитехнологиялар билан таъминлаш йўлидаги изланишлар давом эттирилади. Улар учун кенг уфқлар очилмоқда. Хулласа, қишлоқда эркин меҳнат фаолиятини ривожлантириш учун барча имкониятлардан фойдаланишни ниятимиз. Бундан эса жамият ҳам, мулкдорлар ҳам манфаат топиши шак-шубҳасиз.

«XXI ASR» ХАТҚУТИСИДАН

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

Жавобларни «ALAFIA» адвокатлик фирмасининг адвокати Акром БЕРДИМУРОДОВ тайёрлади

Ҳаммаси ўзингизга боғлиқ

"Мен 3 ой олдин раҳбарият буйруғи билан интизомий жавобгарликка тортилган эдим. Бу жазо қачонгача амалда бўлади? Шу ҳақда маълумот берсангиз?..

Ҳилола ТУРСУНОВА.
Тошкент шаҳри".

— Меҳнат кодексининг 183-моддасида қайд этилганидек, интизомий жазонинг амал қилиш муддати у қўлланилган кундан эътиборан бир йилдан ошиб кетмаслиги керак. Агар ходим шу муддат ичида жазога тортилмаса, у жазоланмаган ҳисобланади. Иш берувчи ўз ташаббуси ёки меҳнат жамоаси ва интизомий жазога тортилган ходимдан юқори турувчи раҳбарнинг илтимосига мувофиқ жазони бир йил ўтмай туриб ҳам олиб ташлашга ҳақлидир.

ФҲДЁга ариза беринг

"Шу йилнинг эрта баҳорида бизнинг тўйимиз бўлган. Лекин ФҲДЁ идорасида никоҳдан ўтмаганмиз. Энди никоҳ тўғрисидаги гувоҳномани қандай олишимиз мумкин?

Бахмалой ТОЖИЕВА.
Самарқанд вилояти".

— Оила тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ никоҳни рўйхатдан ўтказиш яшаш жойидаги ФҲДЁ идоралари томонидан амалга оширилади, Бунинг учун 1 ой олдин ариза билан мурожаат этилади. Демак, Сиз учун қонуний эр-хотин бўлишнинг ҳеч қандай мураккаблиги йўқ.

Меҳнат таътилини узайтириш мумкинми?

"Қандай ҳолатларда меҳнат таътили узайтирилади ёки бошқа муддатга кўчирилади? Шу ҳақда маълумот берсангиз...

Муқаддас ОЧИЛОВА.
Нарпай тумани".

— Меҳнат таътилини узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинади. Ходимлар вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик вақтида, ҳомиладорлик ва туғиш таътили муддати белгиланганда, йиллик таътил ўқув таътилига тўғри келиб қолса, давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганларида меҳнат таътилини узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

Агар фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар таътил бошлангунга қадар келиб чиққан бўлса, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан, таътилдан фойдаланишнинг янги муддати белгиланади. Бундай сабаблар таътил кечаётган даврда келиб чиқса, тегишли кунлар узайтирилади ёки ходим билан иш берувчининг келишувига биноан, таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми бошқа муддатга кўчирилади Ходим таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар тўғрисида ўз вақтида иш берувчини хабардор қилиши шарт. Агар ходим белгиланган муддатда таътилнинг бошланиш вақти тўғрисида хабардор қилинмаган ёки унга таътил бошлангунга қадар таътил вақти учун ҳақ тўланмаган бўлса, таътил ходимнинг аризасига мувофиқ бошқа вақтга кўчирилади.

Қўшнимдан гумоним бор

"Яқинда фирмамга оид ҳужжатлар ва муҳрни йўқотиб қўйдим. Гумоним қўшним Солижондан. Чунки у уйимизга кириб-чиқиб юрар эди. Охирги пайтларда эса келишмай қолганмиз. Айтинг-чи, ҳужжатлар ва муҳрларга шикаст етказган ёки уларни яширган шахсларга қандай жазо берилади? Зора, қўшним буни билиб, инсофга кириб, уларни қайтариб берса...

Каримжон ОХУНОВ.
Қува тумани".

— Агар корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қатъий ҳисобидаги ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкларни эгаллаш, шунингдек, уларни нобуд қилиш, шикаст етказиш ёки яшириш ғаразгўйлик ёки бошқа ёмон ниятларда содир этилган бўлса ёхуд шундай ҳаракатлар паспорт, ҳарбий билет, шунингдек, бошқа муҳим шахсий ҳужжатларга нисбатан содир этилган бўлса, Жиноят кодексининг 227-моддасига кўра энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ жазоси билан жазоланади.

Ўша хатти-ҳаракатлар ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар, штапмлар, муҳрлар, бланкларга нисбатан содир этилиб, оғир оқибатлар келтириб чиқарса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

БИЗНЕС-ФОРУМ

Германия - Ўзбекистон:

Бухоро немисларга ёқиб қолди

УЛАР ЭНЕРГЕТИКА, ТРАНСПОРТ, ТЎҚИМАЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРМОҚЧИЛАР

Ўзбекистонга расмий-амалий ташриф билан келган Германия Федератив Республикаси ташқи ишлар вазири Франк Вальтер Штайнмайер бошчилигидаги давлат делегацияси аъзолари Бухорода фалият кўрсатаётган маҳаллий ишбилармонлар ва тадбиркорлар билан учрашдилар. Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган Ўзбекистон-Германия бизнес-форумини республика Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов бошқарди.

■ Ўз мухбиримиз

Бизнес-форум қатнашчилари ҳузурида сўзга чиққан вилоят ҳокимининг ўринбосари Олим Жумаев Бухоро воҳасининг иқтисодий, хусусан, экспорт салоҳияти, инвестиция муҳити ҳақида атрофлича маълумот берди. Таъкидландики, бугунги кунда вилоятда ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари катта. Бухоро воҳаси табиий ресурслар, сифатли хом ашёларга жуда бой . Бу ерда Германия сармояси иштирокида очилган чипс ва пиво корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Германиялик сармоядорларда хусусийлаштирилаётган иншоотлар катта қизиқиш уйғотди. Келгусида ишлаб чиқиладиган ва аниқ мақсадга йўналтириладиган лойиҳалар икки томонлама ҳамкорликда муҳим босқич бўлиб қолади.

Хорижлик ҳамкорлар мамлакатимизда, чунончи, Бухорода ҳам телекоммуникация, энергетика, транспорт, тўқимачилик, йўлсозлик, туризм, тиббиёт, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида фаол қатнашиш истаги борлигини билдирдилар. Ушбу соҳаларга инвестиция киритиш, иқтисодиётни модернизациялаш ҳақида келишиб олинди.

Бизнес-форумда ГФР Ташқи ишлар вазирлиги иқтисодиёт ва барқарор ривожланиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М. Виттер, Германия иқтисодиёти шарқий қўмитаси бошқаруви раиси К. Мангольд ва бошқалар ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари хусусида таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Шу куни вилоятдаги турли тармоқларнинг раҳбарлари, кўплаб тадбиркорлар билан хорижлик ҳамкорлар, жумладан, Германиядаги "Сименс", "Фресенис Медикал", "Принц медиен" фирмалари вакиллари ўртасидаги бўлажак ҳамкорлик сари дастлабки қадам ташланди. Сафар дастурига мувофиқ Бухоронинг тарихий ва маданий ёдгорликлари билан ҳам яқиндан танишдилар.

ЖАМИЯТ аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутади

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

АФҒОНИСТОН

Сирти асал, томири заҳар

ЁҲУД ДЕМОКРАТИЯ ЭКСПОРТИНИНГ АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРИ ХУСУСИДА

АФҒОНИСТОНДА АКСИЛТЕРРОР АМАЛИЁТЛАРИ БОШЛАНГАНИДАН БЕРИ 250 МИНГДАН ЗИЁД АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ГИЁҲВАНДЛИККА МУБТАЛО БЎЛДИЛАР. АГАР 2004 ЙИЛДА ЕР КУРРАСИНИНГ 15 ЁШДАН 64 ЁШГАЧА БЎЛГАН 200 МЛН. ФУҚАРОСИ НАРКОТИК МОДДАЛАР ИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАН БЎЛСА, 2005 ЙИЛДА УЛАРНИНГ СОНИ 215 МЛН.ГА ЕТДИ.

2001 йилдан буён жаҳон оммавий ахборот воситалари Афғонистон мавзуига мурожаат қилар экан, "Шимолий Атлантика альянси узра собиқ Иттифоқ сояси", "НАТОнинг ҳалокати", "Толибларнинг Кобулга қайтиши" каби ибораларни тез-тез тилга ола бошлади. Дарҳақиқат, НАТО қўмондонлиги остидаги хавфсизликка кўмак берувчи халқаро кучлар (ISAF) мамлакат шарқи ва жанубидаги аввалги мавқеини муваффақиятли равишда тиклаб бораётган толиблар қаршилигини аранг ушлаб қолаётганлигини таҳлилчилар бежиз таъкидламаётирлар. Бу мамлакатда йил бошидан буён 3 мингдан зиёд фуқаронинг ҳалок бўлгани ҳам вазият нақадар мураккаб эканлигини тасдиқлаб турибди. Уларнинг 150 нафардан ортиқроғини коалиция аскарлари ташкил этаётганини инобатга олсак, мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўлининг ҳали узоқлиги яққол кўринади.

■ Шерзод АРАПОВ



Маркс ЮСУПОВ коллажи

ХОЛИС ФИКР

Ана шундай ҳолатда ҳақли бир савол туғилади: нима учун Афғонистонга барқарорлик, демократия ва тараққиёт олиб киришни ваъда қилган АҚШ ва унинг иттифоқчилари саъй-ҳаракатлари самара бермаяпти? Дастлабки икки ой давомида тор-мор этилган «Толибон» ва "Ал Қоида" ҳаракати нега яна янги кучлар билан майдонга чиқаяпти?

Ўз ихтиёрида 31 минг ҳарбий хизматчиси бўлган НАТО қўмондонларининг фикрича, бунча миқдордаги кучлар Афғонистонда барқарорликни сақлаб туриш учун етарли эмас. Гарчи толибларга қарши ўтказилаётган операциялар кенг тарғиб этилаётган, жангариларга жиддий талофат етказилаётгани қайта-қайта такрорлансада, бу омиллар вазиятни ўзгартира олмаяпти. Энг ёмони эса адоғи кўринмаётган бу уруш халқаро кучларга бўлган ишончга жиддий путур етказиб бўлди. ISAF қўмондони, британиялик генерал Дэвид Ричардснинг таъкидлашича, афғон халқининг халқаро кучларга бўлган мойиллигини тўла йўқотмаслик учун халқаро ҳамжамият олдида узоғи билан яна 6 ой вақт қолди, холос. Агар Ғарб Афғонистонни қайта тиклаш ишида муваффақият қозонолмаса, Ричардснинг сўзларига кўра, афғонларнинг 70 фоизи толиблар тарафига ўтиб кетишлари мумкин. Бунинг бошқа қатор сабаблари ҳам бор, албатта.

Биринчидан, бугун Афғонистон дунё бозорига героин экспорт қилувчи асосий плантацияга айланиб қолди. Айтиш мумкинки, халқнинг бундан бошқа тирикчилик манбаи ҳам йўқ. Минтақада ҳамон ҳукмронликни сақлаб қолаётган дала қўмондонларининг асосий даромад манбаи наркотиклар бўлиб қолаётгани ҳам ҳеч кимга сир бўлмай қолди. АҚШ ва унинг асосий иттифоқчиси Англия эса уларни бу даромаддан маҳрум этишдан ва бу билан Ҳамид Карзай ҳокимияти барбод бўлишидан манфаатдор эмасликларини очиқ-ойдин намойиш этмоқдалар. Чунки Вашингтоннинг наркотикларга қарши кенг кўламли кураши дала қўмондонлари ва афиондан фойда кўриб турган кенг оммани коалицияга қарши бош кўтаришга ва шундоқ ҳам мураккаб бўлиб қолаётган вазиятнинг издан чиқишига олиб келиши аниқ. Лекин Афғонистоннинг героин етиштирувчи ва уни экспорт қилувчи асосий мамлакат бўлиб қолиши нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё учун хатарли эканига эътибор қаратилмаётир. Энг ёмони эса ана шу наркотиклар-нинг бир қисми Марказий Осиё минтақасига ҳам сингиб кетмоқда-ки, бу жиноятчиликнинг ўсишига, ёшларнинг турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумотларга қараганда, Афғонистон қорадори ишлаб чиқариш бўйича барча рекордларни "янгилаб", Европани "олий навли" героин билан таъминлашга тайёр бўлиб турибди. Айтиш керак, мазкур соҳада Афғонистон тўла монополист саналади. Жаҳон бозорига қонуний ва ноқонуний йўллар билан кириб бораётган қорадорининг 92 фоизи ана шу мамлакат ҳиссасига тўғри келаяпти. Яқинда БМТнинг наркотиклар ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси эълон қилган ҳисоботга қараганда, қорадори экинлари майдони бу йил 59 фоизга ўсиб, 165 минг гектар (ўтган йили 100 минг гектар) ни ташкил этгани ҳолда, ялпи ҳосил 6100 тоннага етганлиги таъкидланди. Афғон экспертларининг фикрича, бу йил қорадори морфинга бой бўлди. Натижада бир кило героин ишлаб чиқариш учун аввалгидек 10-15 эмас, атиги 7 килограмм қорадори хом ашёси кифоя қилди. Ўтган йили Афғонистонда 4 минг тонна қорадори хом ашёси йиғиштирилган бўлса, ундан 400 тонна героин ишлаб чиқарилган. Демак, қорадори таркибида бу йил морфин моддаси кўп тўпланганлигини ҳисобга олсак, 870 тонна героин ишлаб чиқарилиши мумкинлигини кўрамиз. Албатта, бу ҳали инсоният бундан ўн йилча илгари тасаввур ҳам қилмаган рақамлардир. Бу ҳам етмаганидек, наркотиклар савдосидан йилига 2,7 миллиард доллар атрофида даромад олинмоқдаки, бу Афғонистон иқтисодиётидаги умумий сарф-харажатларнинг учдан бир қисмини ташкил этади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, наркотиклар сотувидан олинаётган фойданинг асосий қисми қурол-яроғ сотиб олишга, террорчилик ҳаракатларини рағбатлантиришга, жангариларни ёллашга сарфланмоқда. Бу эса яна бир карра масаланинг нечоғлик салбий оқибатларни келтириб чиқараётганини кўрсатмоқда. Айрим кузатувчиларнинг фикрича, наркотиклар-нинг ноқонуний савдосига нафақат экстремистик гуруҳлар, балки тинчлик ўрнатишга сафарбар этилган халқаро кучларнинг айрим вакиллари ҳам алоқадор бўлиб қолаётганлари эса ниҳоятда таажжубланарли ҳолатдир. Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатига эътибор қаратиш зарур. Айни пайтда қорадори плантациялари сонининг ўсишини мамлакат жанубида толиблар таъсирининг кучайиши билан боғлайдиганлар ҳам пайдо бўлиб қолди. Бироқ ҳамма вақт ҳам бу фикрга қўшилиш қийин. Чунки толиблар бошқарувининг сўнгги йилларида БМТ томонидан тан олинишига эришиш учун кўкнори далаларини камайтириш чорасини кўришга киришилганди. БМТ маърузасида таъкидланишича, Афғонистондаги 34 та вилоятнинг 28 тасида кўкнори далалари мавжуд. Шунинг ўзиёқ, Афғонистон ҳукумати ва НАТО қўмондонлиги наркотиклар етиштириш ва унинг экспорт қилинишига қарши кескин чоралар кўрмаётганидан далолатдир. Бу эса наркотиклар савдосига қарши қатъий чоралар кўрилмас экан, 27 йилдан бери нотинчлик ўчоғи бўлиб қолаётган афғон заминида тинчлик ўрнатилмайди, деганидир. Яна бир гап. Гиёҳванд моддалар афғонларнинг ўзларини ҳам жаҳолат домига тортмоқда. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш афғон мустақил комиссияси жаҳон жамоатчилиги эътиборини аёллар ва болалар орасидаги гиёҳвандлик муаммоларига қаратаётганининг ўзиёқ ана шу вазиятдан дарак беради. Қашшоқлик, сифатсиз тиббий хизмат, оғир меҳнат, саводсизлик ва энг муҳими мамлакатдаги беқарор вазият, бунинг бош сабабидир. Мустақил комиссиянинг ғарбий вилоят — Хиротдаги вакили Абдул-Азим Акиднинг айтишича, гиёҳвандликка чалинган афғон болалари сони кундан-кунга ошиб бораяпти. Айниқса Фарах, Ғўр, Хирот, Нимруз ва Бадгиз вилоятларида вазият анчайин ташвишлидир. Болаларни ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти маълумотларида қайд этилишича, 2002 йилда биргина Хиротда 7 ва 13 ёш оралиғидаги 3200 дан ортиқ гиёҳвандликка мубтало бўлган болалар бор эди. Ҳозир бу борадаги рақамлар аниқ эмас, бироқ ишонч билан айтиш мумкин-ки, наркоман болалар сони сезиларли даражада ошган. Афғон аёллари орасида ҳам турли касалликларга чалинганлар кўпчиликни ташкил этаяпти. Масалан, портлашлар туфайли яраланган, жароҳатланган аёлларнинг кўкнори истеъмол қилдириш йўли билан тинчлантириш ҳолатлари кўпайиб бораётганини қандай изоҳлаш мумкин? Қандаҳорлик кекса аёлнинг "Немис тўлқини" радиоси мухбирига айтишича, улар ҳатто янги туғилган чақалоқларга ҳам тинчлантирувчи ва ухлатувчи дори сифатида кўкнори беришар экан. Чунки мамлакатда дори-дармон танқислиги, тиббий муассасаларнинг йўқлиги бунинг асосий сабабидир. Касалхоналарда дорилар йўқлиги туфайли шифокорлар ҳам тинчлантирувчи дори сифатида морфин ёки таркибида наркотик воситалар мавжуд бўлган уколларни тавсия этмоқдалар.

БМТнинг Афғонистондаги ваколатхонаси маълумотларига қараганда, охирги йилларда мамлакат жанубида 150 мингдан ортиқ аёл ва 100 мингга яқин болалар гиёҳванд сифатида рўйхатга олинганлар. Бунга қарши эса минтақада ҳеч қандай чоралар кўрилмаяпти.

Айтиш жоизки, НАТОнинг афғон операцияси альянснинг асосий ташвиқот ва тарғибот қуролига айланди. Унинг обрўйи ва нуфузи, шарққа томон кенгайиши, айни амалиётларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Афғонистон НАТОнинг Европадан ташқаридаги биринчи операцияси эканлигини назарда тутсак, бу борадаги муваффақият ёки мағлубият НАТО учун ҳаётмамот масаласи эканлиги ойдинлашади. Шунинг учун ҳам мавжуд талофатларга қарамай, ОАВга толиблар бартараф этилаётгани, мина майдонлари тозаланаётгани, коалиция мактаб ва масжидлар қуришда аҳолига ёрдам бераётгани, касалхоналарга тиббий анжомлар етказиб берилаётгани хусусида мунтазам маълумотлар берилмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугунги вазият собиқ иттифоқнинг ҳокимият тепасидаги Афғонистон Халқ-демократик партиясини сақлаб қолиш илинжидаги ташвиқотларни эсга солади.

Шу ўринда Усома бин Ладенни қидириш бўйича Марказий Разведка бошқармаси аксилтеррор марказининг махсус гуруҳи собиқ раҳбари, ҳозирда "Жеймстаун Жамғармаси" тадқиқот маркази ходими Майкл Шойернинг мулоҳазаларига эътибор бериш ўринлидек туюлади.

— Толибоннинг фаоллашуви қўмондонлардан икки вазифадан бирини танлашга сиёсий етакчиларни ундашни талаб этади: ё қўшинлар сонини 120 минггача етказиш, ёки мамлакатдан чиқиб кетишга тайёргарлик кўриш керак.

Дарвоқе, Буюк Британия, Канада ва НАТО операцияларига ҳозиру-нозир Польшада ҳарбийлар орасида қурбонлар сони ошиб бораётганидан норозилик аломатлари кучайиб бораётган бўлса, айрим хабарларга кўра, Франция келаси йили ўзининг махсус бўлинмаларини Афғонистондан олиб чиқиб кетишга тайёргарлик кўрмоқда.

Хуллас, АҚШ Афғонистонда олиб боришни назарда тутган террорчиликка қарши уруш юмшоққина айтганда, боши берк кўчага кириб қолди. Толибон қайта дунёга келмоқда: бугун улар туфайли коалиция аскарларининг талофатлари ортиб бораётир.

Кондолиза Райснинг, агар Ғарб Афғонистонга кўмак беришни тўхтатса, "бу бизга қимматга тушади" дейиши вазиятнинг ҳақиқатан ҳам оғирлигини кўрсатади. Яъни мамлакатнинг стратегик ҳолати шундай-ки, чора кўрилмаса, у террорчи гуруҳларнинг бошпанасига айланиши турган гап.

Бир сўз билан айтганда, Афғонистонда бошқаларга намуна бўладиган демократик давлат ўрнатишни мақсад қилганлар хатоси туфайли шундоқ ҳам жафокаш афғон халқининг боши мусибатлардан чиқмай қолди. Америка қўшинларининг толибон жангчилари жасадларини ёқиб юборишлари, германиялик аскарларнинг қабрларни суратга олишлари сингари номақбулликлар эса вазиятни баттар чигаллаштирмоқда. Бу эса Жорж Буш маъмуриятининг Афғонистонда ғарб намунасидаги сиёсий тузум ўрнатиш йўлидаги интилишлари ҳосиласидир. Бундай ғоя бугунга келиб саробга айланди-ки, буни бошқача изоҳлаш мумкин эмас. Қолаверса, афғон муаммоси яна бир карра аччиқ ҳақиқатни, яъни демократияни зўрлаб тиқиштириш қандай хунук оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатди, дейиш мумкин.

ИРОҚ



Ҳукм ўқилди

Узоқ муддатдан буён Ироқнинг собиқ президенти Саддам Ҳусайн устидан олиб борилаётган суд жараёни уни дорга осиш орқали ўлим жазосига ҳукм қилиш билан якунланди. Айбланувчининг ҳимоячилари суд ҳукмини апелляцияга топширдилар. Апелляция палатаси ҳукмни асосли деб топса, у 30 кун ичида ижро этилади. Акс ҳолда янги суд жараёни бошланади.

Саддам устидан чиқарилган ҳукмга нисбатан халқаро ҳамжамиятда бир-бирига қарама-қарши муносабатлар билдирилаяпти. Собиқ президентнинг ўлимини уч давлат — Ироқ, АҚШ ва Эрон очиқдан-очиқ қўллаб-қувватламоқда. Буни, ҳатто АҚШ президенти Жорж Буш "ёш Ироқ демократиясининг асосий ютуғи" деб айтди. Ироқ президенти Жалол Талабоний ҳукмни "адолатли" деб атади. Теҳрон "қонҳўр"ни бошқа жиноятлари учун ҳам қатл этиш кераклигини таъкидлади.

Москва азалдан Саддамни суд қилишга қарши чиқиб келмоқда. Европа Иттифоқига раислик қилаётган Финляндия Саддамнинг ҳаётини сақлаб қолишга чақирди. ЕИ ҳар қандай шароитда ҳам энг олий жазони қўлланишини қоралаб келади.

ЕИ-ТУРКИЯ

Европа Иттифоқи комиссияси Туркиядаги вазият бўйича ҳисобот чоп этди. Унда Европа давлатлари Анқаранинг ЕИга аъзо бўлиб киришини анча эрта дея баҳолаб, унинг олдига қатор талаблар қўймоқда. Акс ҳолда 2005 йил октябрида бошланган ЕИ-Туркия музокаралари тўхтатиб қўйилади.

Европа Туркияга эшикларини ёпди

Ҳисоботда таъкидланишича, Туркиянинг инсон ҳуқуқлари, шу жумладан, аёлларнинг эркинликлари, касаба уюшмалари роли ва армия бўйича муаммолари бор. Айниқса, Туркия Республикасини ҳақоратлаганлик учун жазолашни кўзда тутувчи Жиноят кодексининг 301-моддаси европаликларда хавотир уйғотмоқда. Усмонлилар салтанати даврида арманларга қарши ўтказилган зуғум тўғрисида гапирган Нобель мукофоти соҳиби, туркиялик ёзувчи Ўрхан Памукка нисбатан ушбу модда бўйича жиноий иш қўзғатилган эди.

Туркия-ЕИ музокараларига ғов бўлаётган яна бир омил Кипр масаласидир. ЕИ Туркия портларининг Иттифоққа 2004 йилда аъзо бўлган Кипр Республикасидан келаётган кемаларни қабул қилиш талабини қўймоқда. Анқара эса фақат Туркия томонидан тан олинган Шимолий Кипр Турк Республикаси (ШКТР) зарар кўриши эвазига бундай ёнбосишга бора олмаслигини айтмоқда.

ЭКОЛОГИЯ

Инсоният балиқ гўштисиз қолиши мумкин

Science журнали чоп этган маълумотларга кўра, агар одамзот ҳозирги суръатларда балиқ тутишни давом эттираверса, шу асрнинг ўрталарига бориб дунё денгизларида балиқлар буткул қирилиб кетиши мумкин экан.

Халқаро тадқиқотчилар гуруҳининг хулосасига қараганда, жаҳон сув ҳавзаларидаги жами балиқларнинг 1/3 қисми камайиб бўлган, ҳозирги пайтда камайиш тезлиги янада кучайган.

— Биз океандаги биологик турлар, умуман, тирик экосистема билан муомаламизни буткул ўзгартирмасак, бу аср тоза балиқ гўшти таъмини татиб кўрадиган охирги аср бўлиши мумкин, — дейди Калифорниядаги Стенфорд университети олими Стив Палумби.

МОЛИЯ

ЯХШИ ривожланган банк, суғурта, молия тизими бўлмаса, бозорнинг ёрдамчи тармоқлари тўғрисида гапириш ҳам мумкин эмас

ФОТОЛАВҲА

Акциядорлик-тижорат "Ўзсаноатқурилишбанк" мамлакатимиздаги етакчи молия муассасаларидан бири ҳисобланади. Унинг вилоятлардаги филиаллари, жойлардаги минибанклари ва шохобчаларида минглаб мижозларга хизмат кўрсатилаяпти. Бу соҳада Андижон вилоятидаги "Бунёдкор" филиалининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Мамлакатимиз Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ҳаётга татбиқ этиш, хусусан, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳоли омонатларини жалб этиш, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш филиал жамоасининг ҳамиша диққат-эътиборидадир.

Мижозларнинг кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун банк ўз фойдасининг 25 фоизгача қисмини ана шу мақсадга йўналтирмоқда. Имтиёзли кредитлар асосан ишлаб чиқариш соҳаларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратилиб, хўжалик субъектлари ривожланишига мадад берилаяпти. Банк филиалидаги ҳисоб варақларда муддати ўтган кредитлар мавжуд эмаслиги бу ерда иш пухта йўлга қўйилганидан далолатдир.

БАНК ТИЗИМИ

Фермерларнинг яқин ҳамкори

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН БАНКЛАР ИЧИДА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ҒАЛЛАБАНК»НИНГ ҲАМ АЛОҲИДА МАВҚЕИ БОР

Аввало, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида "Ғаллабанк" томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматимизнинг банк тизимини ислоҳ қилиш ҳамда янада эркинлаштиришга қаратилган Фармон ва қарорларини амалга ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

■ **Ориф ЎЛМАСОВ**

Жумладан, банк сармоясини ошириш, активлар сифати ва даромадлилигини яхшилаш орқали хизмат кўрсатиш турларини кенгайтиришга катта эътибор қаратилди. Натижада банк активларининг умумий миқдори 2006 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига 82,1 млрд. сўмга етди ёки йил бошига нисбатан бу борада ўсиш 12,9 фоизни ташкил этди. Айни пайтда банкнинг 32 та филиал, 73 та минибанки, 69 та валюта айирбошлаш ҳамда 13 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаларида турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга кенг кўламли хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Бу борада, айниқса қишлоқ хўжалиги, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилаяпти.

Давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштираётган фермер хўжаликларини молиялаштиришнинг самарали механизмини яратиш, берилаётган кредитларни мақсадли мониторинг қилишни ташкил этиш мақсадида ҳар 10-15 та фермер хўжалигига биттадан масъул ходим бириктирилганлиги яхши самара бераяпти. Бу эса, ўз навбатида фермер хўжалиги эҳтиёжларини таҳлиллар асосида тезкор ўрганиш, ажратилган маблағларни ўз эгаларига вақтида етиб боришини таъминлашда ижобий роль ўйнамоқда.

Масалан, вилоятлардаги банк филиаллари томонидан ғалла ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига 2006 йил шартномаларини бажариш учун қилинадиган сарф-харажатларга жами 24533,4 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Уларнинг 4395,5 млн. сўми ғалла ва 20137,9 млн. сўми пахта хом ашёсини етиштириш учун сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2006 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини ўриб-йиғиб олишни ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида банк фаол иштирок этди. Жумладан, 2006 йил бошоқли дон маҳсулотларини сотиб олишга жами 245 млрд. сўмлик маблағ давлат эҳтиёжлари учун топширилган бошоқли дон маҳсулотларини якуний ҳисоб-китоблар асосида тўлаб берилди.

Банк томонидан сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналари, хусусан, фермер хўжаликларини қўшимча молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларини замонавий усуллар билан қондириш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, давлатимиз раҳбарининг "Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқиб, банк томонидан қишлоқ хўжалик техникалари, маҳсулотларини қайта ишловчи мини технологиялар, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига зарур ускуналар ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳамда ривожлантириш учун зарур бўлган янги дастгоҳларни лизинг асосида фойдаланишни йўлга қўйишга муносиб ҳисса қўшаяпти. Бугунги кунга келиб, банк томонидан жами 77 та лойиҳага 5348,6 млн. сўм миқдорида лизинг хизматлари кўрсатилган бўлиб, шундан 4836,9 млн. сўм миқдоридаги лойиҳа 2006 йил давомида амалга оширилди. 2006 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига банк лизинг портфелининг қолдиқ қиймати 3529,9 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил январдаги махсус фармойишига асосан Германия Федератив Республикасининг "Класс КГа" компаниясининг умумий қиймати 4,3 млрд. сўмлик 40 дона "Доминатор-130" русумли ғалла ўриш комбайни сотиб олиниб, банк филиаллари томонидан фермер хўжаликларига лизинг асосида берилди.

Таъкидлаш жоизки, банк томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналари, жумладан, фермер ва деҳқон хўжаликларини молиявий қўллаш ва уларга сифатли банк хизматлари кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишлари шу билан чегараланиб қолмайди. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг янги-янги лойиҳаларини кредитлаш, уларнинг қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган талабларини доимий қондириб бориш бўйича бундан буён ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилаверади.

ОҒРИҚ НУҚТА

Тадбиркорларга яратилган барча имтиёзлардан тўлиқ фойдаланган бу тадбиркор 2005 йил охирларида "Мунис Ойбарчин" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйиб, улгуржи савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олган.

Камоланинг қилмишлари фош бўлди

■ **Олимжон МИРЗАЕВ, Самарқанд туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси**

Камола ўзи бошқараётган корхона фаолиятини йўлга қўйибоқ, ноқонуний йўллар билан кўпроқ даромад олишга берилиб кетган. Яъни корхонанинг илк ҳисоб варағини "Самарқанд" банкидан очиб, ҳисоб-китоб юритган бўлса, сал кейинроқ ТИФ миллий банкининг Сурхондарё вилояти Денов шаҳри бўлимидан яна бир ҳисоб варақ очган. Бундан ташқари, ёпиқ турдаги "Парвина", "Транс" хусусий банкларининг Тошкент шаҳар филиалларидан иккиламчи ҳисоб варақларини очиб, уларга келиб тушган пулларни ўзлаштираверган. Корхона фаолияти тўғрисидаги ҳисоб-китобни эса Самарқанд туман солиқ инспекциясига топширган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 280 сонли қарорининг 7-бандига зид равишда нақд пулга айланувчи товарлар сотиб олиш учун ҳисоб варағидан чиқим қилинган пуллардан жами 376259,7 минг сўмлик харидоргир маҳсулотлар харид қилган. Шундан 8200,5 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини харидорларга нақд пулга сотган. Ваҳоланки, корхона ҳисобида ҳеч қандай дўкони ва назорат-касса машинаси бўлмаган. Сотувдан тушган 376259,7 минг сўм нақд фойдани банкка топширмасдан, ўзлаштириб юборган. Бундан ташқари, кўплаб корхоналар билан ҳамкорлик шартномалари тузиб, келиб тушган маблағни ҳисоб варақлари очилган банклар орқали бошқа ташкилотларга ўтказиб, улардан юқори ликвидли товарлар сотиб олган ва бу товарларни бозорда нақд пулга соттириб, тушумни ўзлаштириб келган.

Айбдор ўзига нисбатан жиноий иш қўзғатилганидан хабардор бўлгач, кирдикорларини яшириш мақсадида кўплаб ҳужжатларни, шулар қаторида корхонанинг қатъий ҳисобида сақланиши лозим бўлган бош китоб, буйруқларни қайд қилиш китоби ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари билан имзолаган барча шартнома ҳужжатларини йўқ қилиб ташлаган.

Суд Камола Каримовани ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми ва 227-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топди.

Ҳаётда бирдан бойиб кетишни орзу қилганлар кўп. Фақат астойдил меҳнат қилиб, машаққат тортиб эришилгандагина, бундай ҳузур-ҳаловат тотли бўлади. Халқимиз "Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам очилади" дея ҳўп топиб айтган. Қонунни бузиш орқали бойиш, қилмишларини йўқотиш мақсадида, ҳатто ҳужжатларни ёқиб юбориш билан жиноий жавобгарликдан қутулиб бўлмайди. Ҳар кимнинг меҳнати, давлат ҳисобига қўшган ҳиссаси бўлиши керак. Камола каби сохта тадбиркорлар эса узоққа боролмайдилар. Жиноятга жазо муқаррар, худди гуруч орасидан чиққан курмак териб ташлангани каби.

РЕКЛАМА

ASR EKSPRESS MEDIA

НОШИРЛИК УЙИ КЕЧАЮ КУНДУЗ ИШЛАЙДИ!

Корхона ва ташкилотлар учун фирма бланкалари, китоб, буклет, ташриф қоғозлари ва бошқа турдаги босма маҳсулотларни арзон нархларда чоп этади ва буюртмачиларга белгиланган муддатда етказиб беради.

Телефонлар: (8-371) 79-28-71, 183-96-62, 130-70-82.

Сиёсий тафаккур изланишлар жараёнида шаклланади

АНДИЖОНЛИК МАСЛАКДОШЛАРНИНГ ФИКРИ АНА ШУНДАЙ

Мамлакатимиз ҳаётида кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳар бир фуқародан алоҳида масъулият талаб этади. Зеро шу юртда яшаб, унинг муаммолари, қувончу ташвишларига лоқайд ва бепарво бўлиш мумкин эмас. Хусусан, бирон-бир сиёсий партияга аъзо бўлиш — бу замон руҳини теран ҳис этиш, ён-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга тийрак кўз билан қараш, Ватан ва миллат тақдири учун жавобгарликни зиммага олиш, демакдир.

■ Аъзам ҚОДИРОВ, «XXI asr» мухбири

Хўш, O`zLiDeP сафларида ана шундай фидойи инсонлар қанча? Уларнинг хайрли ишлари ва ташаббусларини оммалаштириш учун жойларда қандай изланишлар олиб борилмоқда? Келинг, ушбу саволларга бир корхона мисолида жавоб топишга ҳаракат қилиб кўрайлик.

«ЮНИТЕЛ» компанияси агентлиги вилоятда 1999 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Андижонда, шунингдек, "Ўздунробита", "Перфектум мобайл", "Коском" каби компаниялар ҳам аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, рақобат кучли. Бундай шароитда мижоз кўнглига йўл топиш осон эмас, албатта. Лекин ташкилотчилик ва жонкуярлик бўлса, жамоа аъзоларини ягона мақсад йўлида бирлаштириш, ҳар қандай шароитда ҳам масаланинг ижобий ечимини топиш мумкин.

Масъулияти чекланган жамиятга ёш тадбиркор, O`zLiDeP аъзоси Бахтиёр Турдиев раҳбар бўлиб келгач, шаҳар ва туманларда компаниянинг хизмат кўрсатиш бўлимлари очилди. Янгидан 50 та ишчи ўрни яратилди. Бундан ташқари, 70 нафар тадбиркор дилерликка жалб қилинди. Айни пайтда уларнинг кўпчилиги O`zLiDeP аъзосидир.

— Ташкилотчиликда ҳикмат кўп, — дейди БПТ етакчиси Пўлатжон Муротов. - Буни ўз тажрибамиздан яхши биламиз. Аъзоларимизнинг сиёсий фаоллиги ошиб бормоқда. Улар давр билан бирга қадам ташлашга ҳаракат қилмоқдалар. Яқинда раҳбаримиз Бахтиёр Турдиевга яна бир катта ишонч билдирилди: у партиянинг Андижон шаҳар кенгаши раиси этиб сайланди. Бу, аввало, катта масъулият, демакдир.

Мамлакатимиз Президентининг "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори айни пайтида эълон қилинди, деб ўйлайман. Унга мувофиқ жойларда депутатлар иштирокида кенг тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз. Бунда асосий эътибор мамлакатимизга қарши қаратилган ғоявий-ахборот хуружлари моҳиятини очиб бериш, ёшларнинг сиёсий онги ва дунёқарашини бойитиш, уларни мафкурамизга ёт таъсирлардан муҳофаза этишга қаратилмоқда.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро муносабатлар қўмитаси раиси М.Тешабоевнинг "13-Олтинкўл" сайлов округи ҳудудида ўз сайловчилари билан ўтказган учрашувлари давомида ўртага ташланган масалалар бизни янада фаоллик билан иш юритишга, давр талабларига нисбатан ҳозиржавоб бўлишга ундамоқда. Партиямиз раҳбари мулоқотлар чоғида жаҳонда ва минтақамизда кечаётган сиёсий жараёнларга тўхталаркан, ёшларимиз онгида юртга дахлдорлик ҳиссини, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, мустақиллик ва барқарорликни асраш долзарб вазифалардан бири эканлигини таъкидлади. Андижон воқеалари атрофидаги бўҳтон ва уйдирмаларнинг асл моҳиятини жонли мисоллар орқали очиб берди. Андижон иқтисодиёт коллежи, "Маориф" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида "Эгали юрт эркини бермас" мавзуидаги тадбирлар ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Қуйи бўғинлар - партиянинг таянч нуқтасидир. Омма улар амалга ошираётган ишларга қараб, партия фаолиятига баҳо беради. Пўлатжон Муротов буни чуқур ҳис этадиган етакчилар сирасидан. БПТ фаолияти билан танишарканмиз, унинг ўз йўли ва қатъий позициясига эга эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Александр Кузменко, Дониёр Қозиев, Ҳилола Абдураҳмонова, Дилором Тўраева, Светлана Цахаева каби фаоллар ғоявий-сиёсий ишлар самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

> Пўлатжон МУРОТОВ, 1979 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Андижон қишлоқ хўжалик институти сиртқи бўлими талабаси. "ЮНИТЕЛ" компаниясининг вилоятдаги агентлиги — "Андижон мобайл" МЧЖ директори ўринбосари, бошланғич партия ташкилоти раиси.

Таъкидлаш жоизки, яқин атрофдаги маҳаллалар, корхоналар, ўқув юртлари билан амалий ҳамкорлик ўрнатилган. Бу, шубҳасиз, ўз самарасини бераяпти. Масалан, Ватан ҳимоячилари куни, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари, Наврўз байрами, Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни, Мустақиллик байрами муносабати билан уюштирилган суҳбатлар, учрашув ва турли тадбирларда бир мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини, партиямиз ғоя ва мақсадларини аҳолига етказишга ҳаракат қилаяпмиз. Хусусан, Мустақилликнинг 15 йиллиги арафасида байрамни муносиб нишонлаш юзасидан йиғилиш ўтказилган ва унда аниқ режалар белгилаб олинган эди. Шунга мувофиқ 30 август куни Султон Жўра номли маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги бошланғич ташкилот билан ҳамкорликда меҳнат фахрийлари, оқсоқоллар, жамоатчилик вакиллари учун байрам дастурхони ёзилиб, маҳалладаги кам таъминланган оилаларга партия номидан совғалар берилди.

— Омма билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашимиз лозим, — дейди суҳбатдошимиз. — Бу ўз режа ва мақсадларимизни амалга ошириш учун кенг имконият беради. Мақсад партиямизнинг таъсир доирасини кенгайтириш, ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга ўз ҳиссамизни қўшишдир.

Баландпарвоз даъватлар

БИЛАН ХАЛҚ ҚАЛБИДАН ЖОЙ ОЛИБ БЎЛМАЙДИ, — ДЕЙДИ БУХОРО ВИЛОЯТИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ БПТ ЕТАКЧИСИ ВАҲОБ ТЎХТАЕВ

Янги давр ўз талабларини кун тартибига қўймоқда. Бу эса сиёсий партиялар, жумладан Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва унинг бошланғич ташкилотларидан ҳам барча соҳаларда қатъият ва ташкилотчилик билан иш юритишни тақозо этмоқда. Жаҳон тажрибасидан маълумки, жойларда кенг халқ оммаси ичига кира олмаган, уларнинг манфаат ва қизиқишларини ҳимоя қилиш билан шуғулланмаган партиялар хоҳ маҳаллий, хоҳ парламент сайловларида бўлсин, ютқазадилар. Америка, Европа, Осиёнинг қатор мамлакатларида бўлиб ўтган сайловлар натижаси берган ваъдасининг устидан чиқмаган ёки қуйи ташкилотлари омма ичига кириб боролмаган сиёсий куч сиёсий майдондан тушиб қолишини исботлади.

■ Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири

Демак, кўп нарса партияларнинг таянчи саналмиш бошланғич партия ташкилотларига боғлиқ. Узоққа бормайлик. Маҳалла оқсоқоллари (раислари) сайловида O`zLiDePнинг кутилган даражада фаоллик кўрсатмагани яна бир бор сайловчилар билан ишлашда эътиборсизликка йўл қўйиб бўлмаслигини кўрсатди.

Тўғри, партиянинг жойларда ислоҳотларни жадаллаштириш, ишсизлик муаммосини ҳал этиш, ёшлар ўртасида ғоявий-сиёсий тарбияни кучайтиришга оид дастурий вазифалари реаллиги ва ҳаётийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Лекин бу мақсадларни халққа оддий тилда етказиб бериш қуйи ташкилотлар раҳбарлари ва фаолларидан сиёсий етукликни талаб қилади.

— Бугунги ислоҳотлар жараёни ҳар биримизни жиддий имтиҳондан ўтказаяпти, — дейди БПТ етакчиси В. Тўхтаев. — Демак, фаолликни янада оширишимиз лозим. Зеро, қуйи бўғинлар куч-қудратига таянган партиямизгина ўз кўзлаган мақсадларига эриша олади. Биз шундан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш корхоналари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилаяпмиз. Лекин ҳамма вақт ҳам бунга эришолмаяпмиз. Чамамда омма ичига кириб боришда сусткашликка йўл қўяётганга ўхшаймиз. Парламент сайловларида ғалаба қозониб, энг йирик фракцияга айланганимиз хотиржам бўлишликка йўл бермайди. Аксинча, навбатдаги сайловларда зафар қучиш, халқ ишончини қозониш учун ўз устимизда тинимсиз ишлашни талаб қилади. Мана, ҳозирги кунда БПТ фаоллари сиёсий таълим марказларида малакаларини оширяптилар. Менимча, бунинг ўзи етарли эмас. Иложи бўлса, сиёсий қўлланмалар, адабиётлар етишмай турган бир шароитда O`zLiDeP нашрига обунани кўпайтиришимиз керак. Газета қўлсиз, оёқсиз хонадонларга кириб боришини, унинг саҳифаларида республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, партия турмуши, мафкура, маънавият мавзуларида туркум мақолалар бериб борилишини ҳисобга олсак, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришимизда жудаям асқотади. Шу боис ташкилотимиздаги ҳар бир партия аъзосини газетага обуна қилиш масаласи устида бош қотиряпмиз.

Шу билан бирга Бухоро вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳузуридаги БПТ ижтимоий ҳимоя масаласига жиддий эътибор қаратмоқда. Бу бизнинг доимий ишимизга айланган, десам, хато қилмайман. Ўтган давр мобайнида 60 нафарга яқин ногиронларнинг уйларини таъмирлаш учун ҳомий ташкилотлар ҳисобидан 8,5 млн. сўм маблағ сарфланди. Шаҳар ва туман ижтимоий таъминот бўлимлари ходимлари кам таъминланган, эҳтиёжманд ногиронларга биркитиб қўйилган. Жорий йилнинг 9 ойи давомида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига жами 45,7 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилгани, айни мақсадлар учун бюджетдан 33,8 млн. сўм маблағ сарфлангани эътиборга моликдир.

Маълумки, ғоявий етук, юксак эътиқодли кадрлар ҳар қандай сиёсий тузилманинг негизини ташкил этади. O`zLiDeP сафларини мустаҳкамлашда ана шу талабдан келиб чиқилаётир. Зеро, либерал-демократик ғоялар билан қуролланган кишиларгина партия илгари сураётган мақсадларни рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўша олади. Шу асосда тарғибот-ташвиқот ишларининг мундарижаси бойитилмоқда. Хусусан, ўтказаётган тадбирларимизда ўрта синф эгалари, мулкдорлар сонини кўпайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш борасида қатор қонунлар қабул қилинаётгани, унда Либерал-демократик партиянинг алоҳида ўрни мавжудлигига эътибор қаратаяпмиз. Чунки Юртбошимиз таъкидлаганларидек, жамиятда барқарорлик бўлишидан, ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга ошишидан, аввало, мулкдорлар, бизнес вакиллари, тадбиркорлар ва фермерлар манфаатдор.

Бир сўз билан айтганда, сиёсий партия ва унинг жойлардаги қуйи бўғинларининг тўлақонли фаолиятисиз фуқаролик жамиятини қуриш ҳам, фуқароларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш ҳам қийин бўлиб қолаверади.

> Ваҳоб ТЎХТАЕВ, 1969 йилда Шофиркон туманида туғилган. Тошкент бухгалтерия техникуми, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг иқтисод факультетини тамомлаган. Таъминот ва тайёрлов ташкилотлари, қурилиш-монтаж корхоналарида ишлаган. 1998 йилдан бошлаб Бухоро вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида хизмат қилиб келмоқда. O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳар бир партиянинг ўзига хос ўрни бор, албатта. Омма ўртасида ғоявий тарбияни кучайтиришда уларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти.

Наманган вилоятининг Учқўрғон туман кенгаши таркибида 54 та ташкилот бўлиб, улар ўз атрофига 630 нафардан ортиқ маслакдошларни жипслаштирган. Шундан 210 нафари фермер ва тадбиркор эканлиги ҳам кўп нарсадан далолат беради.

Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ

■ Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири

АТ "Пахтабанк" туман бўлими қошида бошланғич ташкилот тузилганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Ўтган қисқа давр мобайнида жамоа сафларини ғоявий етук кадрлар ҳисобига кенгайтириш, уларнинг меҳнат ва ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича муайян натижаларга эришилди, десак, хато қилмаймиз. Хусусан, Абдужаббор Жўраев, Жамилахон Боймирзаева, Исломжон Қурбонов, Жалолиддин Эргашев, Абдуқаҳҳор Эргашев, Нилуфархон Усмонова каби маслакдошлар аҳолига намунали хизмат кўрсатиш билан бирга O`zLiDePнинг дастурий ғоя ва мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида ташаббускор бўлишмоқда.

— Ютуқлар ўзимизники, — дейди БПТ раиси. — Энг муҳими, биз олдимизда турган вазифалар кўламини чуқур ҳис этиб, шунга яраша иш тутмоғимиз лозим. Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини тубдан яхшилаш, барча бўғинлардаги мафкуравий масалаларни қайта кўриб чиқиш фурсати етди, деб ўйлайман. Тўғри, туман ва вилоят миқёсида депутатлар, БПТ етакчилари иштирокида ўқув-семинарлар, тренинглар ўтказилмоқда. Нега энди бу анъанани бошланғич ташкилотларда ҳам йўлга қўйиш мумкин эмас? Мумкин. Расмиятчиликнинг даври ўтди. Бугун кўп нарса ўзимизга боғлиқ. Фақат сон кетидан қувиш билан иш битмайди. Аксинча, биз сифат ҳақида кўпроқ қайғуришимиз лозим.

Ҳа, куюнчаклик билан айтилган бу гапларда жон бор. Учқўрғонлик маслақдошлар партия ғояларига содиқликларини амалий фаолият орқали намоён этишга ҳаракат қилишмоқда. АТ "Пахтабанк"нинг туман бўлими томонидан жорий йил пахта ҳосилини етиштириш учун 6 та ширкат хўжалигига 1.294214 млн., 180 та фермер хўжалигига 1.204808 млн. сўм маблағ ажратилган эди. Ўз вақтида кўрсатилган молиявий ёрдам туфайли пахта ва ғалла етиштириш режалари ортиғи билан уддаланди. Ҳаёт синовидан ўтган бу анъана давом эттирилмоқда. Мақсад битта: у ҳам бўлса, иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни жадаллаштириш, аҳоли фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир.

КИШИНИНГ зийраклиги ҳеч қачон хато қилмасликда эмас, балки уни қайта такрорламасликдадир

МУНОСАБАТ

ЭКОЛОГИЯ

Яшил дунё

МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА, БУГУНГИ КУНДА ЕР ЮЗИДА 4 МЛРД. 126 МЛН. ГЕКТАР ЎРМОН МАЙДОНИ МАВЖУДДИР. УЛАРНИНГ ЭНГ ЙИРИКЛАРИ АСОСАН АВСТРАЛИЯ, БРАЗИЛИЯ, КАНАДА, ХИТОЙ, ҲИНДИСТОН, ИНДОНЕЗИЯ, РОССИЯ ВА АҚШ ҲУДУДЛАРИДАДИР. ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, ЎРМОНЛАР — ТАБИИЙ БИОКОМПЛЕКС БЎЛИБ, УЛАР АСОСАН НАМНИ САҚЛАШ, АТМОСФЕРА ВА ИҚЛИМНИ МЎЪТАДИЛЛАШТИРИШ, СЕЛ КЕЛИШИ, ҚУМ КЎЧИШИ ҲАМДА СУВ ТОШҚИНЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.



Сайёра ТУРҒУНБОЕВА, «XXI asr» мухбири

Аммо ҳозирги кунда дунёда катта-катта ўрмонларнинг керагидан ортиқ кесиб борилиши ҳамда улар ўрнини тўлдирмаслик оқибатида бу соҳада глобал муаммолар юзага кела бошлади.

БМТ Савдо-сотиқ ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти мутахассисларининг фикрига кўра, биргина Африка (йилига 4 млн. га) ҳамда Жанубий Америка (4,3 млн. га) ҳудудларида сўнгги беш йил ичида дарахтзор мисли кўрилмаган даражада кесилиб кетган, бунинг натижасида жойларда ер таркиби кескин ёмонлашиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган. Шу ўринда савол туғилади: бутун дунё аҳлини ташвишга солаётган ушбу соҳага юртимизда қай даражада эътибор қаратилмоқда?

— Айни пайтда ўлкамизда бошқармамизга қарашли 8051,3 минг гектар ер майдони мавжуд, — дейди республика Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мурод Ғаниев. — Шундан ўрмонлар 2369,1 минг гектарни ташкил этади. Рақамлардан кўриниб турибдики, биз, соҳа вакиллари олдида юртимиздаги мавжуд ўрмонларни асраб-авайлаш, уларни имкон қадар кўпайтиришдек муҳим вазифа турибди. Ҳозирги кунда ташкилотимиз ўзининг тасарруфидаги барча қўриқхоналар, шунингдек, ов хўжаликлари бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги бошқармаси, "Шифобахш" ишлаб чиқариш бирлашмаси, Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика миллий ишлаб чиқариш маркази, республика Ўрмон-уруғчилик станцияси, Малака ошириш маркази, "Ўзгипроўрмонлойиҳа" корхонаси ҳамда вилоятлардаги марказий ва мустақил ўрмон хўжаликлари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

Хусусан, ҳозирги пайтда юқори унумдор ўрмонларни ўстириш, улардаги дарахт таркиби ва сифатини яхшилаш, генофондни сақлаб қолиш, хўжалик аҳамиятига молик дарахтларни янада кўпайтириш, хўжаликларни юқори ирсий хусусиятга эга дарахт ва буталар уруғи билан таъминлаш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, 2006 йилдан бошлаб юртимиздаги ҳар бир ўрмон хўжалиги жойлашган ҳудуд шароитига мос келадиган қимматбаҳо ва ноёб манзарали дарахт уруғларини тайёрлаш режалаштирилган эди. Айни кунда буни амалга ошириш учун барча шарт-шароит яратилган, десам, адашмаган бўламан. Ушбу тадбирда кўпроқ маҳаллий иқлим шароитига мос турлар, яъни қрим қарағайи, элдор қарағайи, зарафшон арчаси, виргина арчаси, хандон писта, грек ёнғоғи, эман, каштан, арғувон, ёввойи олма, оқ қайин, туя ва шумтол каби дарахтлар экилмоқда. Маълумки, мамлакатимиз ҳудудида бугунги кунда 769,9 минг гектар тоғ, 7001,6 минг гектар чўл, 178,9 минг гектар водий ҳамда 107,3 гектар тўқай ўрмонлари мавжуд. Ушбу яйловлар ҳолатини яхшилаш, уларни бойитиш ҳамда маҳсулдорлигини ошириш борасида ҳам саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Масалан, кўчма қумларни мустаҳкамлаш, шунингдек, тоғ ёнбағирларидаги жарликлар ва ташландиқ ерларда эрозияга қарши арча, бодом, писта, наъматак, ўрик ва тоғолча дарахтлари экилди. Айни пайтда бу плантациялар ўрмон хўжаликлари назоратида турибди.

Ҳар йили ўрмон фонди ерларида уруғ, кўчат ва табиий тикланишга кўмак бериш усули билан 42 минг гектардан ортиқ майдонда маданий ўрмонзорлар барпо этилади. Бундан ташқари, жорий йилнинг баҳорида ўлкамизда 17,5 минг гектар ўрмон барпо этиш режаси белгиланганди. Амалда эса бу режа 19 минг гектар қилиб бажарилди. Чўл ҳудудларида ўрмонзорларни барпо қилиш масаласига келсак, бунда асосий эътибор саксовул ниҳолини экишга қаратилмоқда. Сабаби — улар уруғдан экилса, қурғоқчилик пайтида қуриб қолиши мумкин. Ниҳолдан экилганда эса кўкарувчанлик хусусияти икки баробар ортади.

Айтиш жоизки, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари, Фарғона водийси ўрмон хўжаликларида қимматбаҳо элдор қарағайи кўчатлари экилиб, улкан плантациялар яратилди. Ишончим комилки, бундай плантациялар 30 гектардан ортиқ майдонга етказилади. Бундан ташқари, республикамиз бўйлаб 290 гектарда янги кўчатхоналар ташкил этилган. Бу кўчатхоналарда 60 турдан ортиқ ниҳол ва кўчат етиштирилмоқда. Айни пайтда республикада ўрмон хўжалигини ривожлантириш мақсадида 2006-2010 йилларга мўлжалланган дастур асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ташкилотимиз билан ҳамкорликда шартномалар имзоланди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг "Саноат теракчилигини ривожлантириш ва тез ўсувчи бошқа ёғочбоп дарахтларни барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан барпо этилган плантацияларда биологик пишиб етиладиган дарахтлар экилган, уларни ўз вақтида қайта ишлаш ҳамда олинадиган ишбоп ёғочни кўпайтириш йўлга қўйилди.

Ўрмон хўжаликлари нафақат ўрмон фонди ерларини сақлаш, балки ўрмон барпо этиш ишлари билан ҳам шуғулланадилар. Президентимиз ташаббуси билан республика миқёсида кўчатчиликка алоҳида эътибор қаратилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 мартдаги 76 сонли қарорига асосан республика Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди. Бу марказ тасарруфига 3 та ўрмон хўжалиги, 8 та ўрмон-ишлаб чиқариш участкаси, 7 та ўрмон-тажриба станцияси ва "Ўрмонмаш" давлат корхонаси берилиб, марказ таркибидаги хўжаликларнинг тупроқ ва иқлим шароитлари ҳамда бошқа имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда республикада манзарали боғдорчиликни ривожлантириш бўйича 2005-2010 йилларга мўлжалланган стратегик тадбирлар ишлаб чиқилди ва вазирлик томонидан тасдиқланди. Унга асосан манзарали дарахт кўчатларини ўстиришнинг илмий асослари ва истиқболли технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитига мос келадиган манзарали ўсимликларни экиш тавсия қилинган. Юқорида айтиб ўтилганидек, янги ўрмонларни барпо этиш билан бир қаторда мавжудларини асраш ва қўриқлаш катта аҳамият касб этади. Айни пайтда ўрмонларни қўриқлашда 700 дан ортиқ ходим фаолият кўрсатиб, 49 минг гектар майдонда касалликлар ва зараркунандаларга қарши патологик кузатув ишлари олиб боришаяпти. Айнан 21158 гектар майдонда зараркунандаларга қарши курашнинг ерда олиб бориладиган тадбирлари ўтказилди. Шу жумладан, 14350 гектар майдонда биологик усулда кураш олиб борилди. 40,5 км. масофада ёнғинга қарши янги ҳимоя линиялари, 23215 км. масофада ёнғинга қарши мақсадларда ишлатиладиган йўллар қурилди ва ўрмон хўжалиги аҳамиятига эга ёнғинга қарши 1095,8 км. йўл таъмирланди.

Бироқ ҳозида табиий бойлигимиз бўлган ўрмонларга нисбатан қонунбузарлик ҳолатлари ҳам учраб туради. Масалан, шу йил 407 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди, яъни 27,6 млн. сўмлик зарар етказилган. Ушбу зарардан 12,5 млн. сўми айбдорлардан ундириб олинди. Бу маблағ ўрмонларни парвариш қилиш, соғломлаштириш ҳамда қайта тиклаш мақсадларига сарфланди: 19,9 минг куб метр ёғоч, ўтин ва шох-шаббалар тайёрланди.

Пировардида айтиб ўтмоқчи эдим-ки, бу соҳада эришилган ижобий кўрсаткичлар асосан ўрмон хўжалиги ходимлари томонидан аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларининг тўғри олиб борилиши ҳамда ўрмончиларнинг ўзларига бириктирилган ҳудудларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, қонунбузарликларга қарши қатъий чоралар кўрилаётгани натижасидир.

Қўқонликлар қишга тайёр

«ҚЎҚОНЭНЕРГОМАРКАЗ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ШУ КУНЛАРДА КАТТА ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА.

5 та қозонхона мукаммал таъмирдан чиқарилди, 3 километрдан ортиқ асосий қувурлар янгиланди. Белгиланган чора-тадбирларга мувофиқ 300 миллион сўмлик тайёргарлик ишлари бажарилди.

Ўз мухбиримиз

Қиш мавсумини беташвиш ўтказиш учун мавжуд барча технологиялар шай қилиб қўйилди. Хонадонларни, ташкилот, муассасаларни иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлашда муаммолар бўлмаслигига ҳаракат қилинди. Жамоа ўз олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда ички имкониятлардан кенг фойдаланди. Натижада иқтисодий самарадорлик яхшиланди.

Жамиятда табиий газ сарфини тежаш, ундан оқилона фойдаланиш мақсадида янги 2 та замонавий газўлчагич ўрнатилди. Мутахассислар таъкидлашларича, мазкур компьютерлашган газўлчагич катта наф келтиради. Шунингдек, бу ерда 72 та уй-жой мулкдорлари ширкати билан алоқалар яхши йўлга қўйилди. Жамият жорий йилда 300 дан ортиқ кўп қаватли уй, 50 га яқин турли ижтимоий ва маиший ташкилотларга хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар тузди.

Қўқон "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш корхонасида ҳам мавсумга ҳозирлик тўлиқ якунланди. Корхона тасарруфидаги мавжуд 58 та иситиш қозонхонаси, сув насослари, газ, электр жиҳозлари таъмирланиб, шай ҳолга келтирилди.

ФОТОАЙБНОМА

Сув ўртасидаги трансформатор ва яна...

Сиз кўриб турган ушбу суратлар пойтахтимиздаги "Катта Фарғона йўли"нинг "Рисовый" бозори ёнидаги қисмида туширилган. Миробод ва Ҳамза туманлари чегарасида жойлашган катта кўприк атрофидаги бу манзара ҳар қандай одамнинг дилини хуфтон қилиши табиий.

Шухрат РАҲИМОВ, «XXI asr» мухбири

Аммо негадир шундай серқатнов йўл бўйидаги ахлатлар "қабристони"га ҳудуд озодалиги учун мутасадди бўлган идоралар раҳбарлари сира қадам ранжида қилмаяптилар. Акс ҳолда бу ердаги манзара бутунлай бошқача бўларди.

Юқоридаги таъриф етмаганидек, кўприк тагидан ўтган йўлнинг қаеридадир ёрилган қувурдан тўхтовсиз оқаётган сув атрофни "ювиб" турибди. Сал наридаги катта-кичик кўлмаклар эса ҳадемай ҳовузларга айланса, ажаб эмас. Энг ачинарлиси, ана шу кўлмаклардан бирининг қоқ ўртасида электр трансформатор (суратда) "жойлашган". Худо кўрсатмасин-у, агар ушбу "қути"нинг нима эканлигига ақли етмаган бирорта болакай қизиқиб қолса — фожиа юз бериши аниқ.

— Аввалари бу жойда ахлат қутилари бўларди, — дейди йўловчилардан бири биз билан суҳбатда. — Аммо кимлардир уларни ўғирлаб кетдими ёки бошқа жойга кўчиришдими, билмайман. Бошқасини ўрнатишмади. Аҳоли эса чиқиндиларни дуч келган жойга тўкиб кетаяпти.

Дарҳақиқат, Катта Фарғона йўли деб чиройли ном олган кўчанинг аҳволи жуда ачинарли. Катта йўлдаги кўприк, унинг тагидан ўтган қайрилма кўча, ёнма-ён қатновчи трамвай йўлларидан кунига қанчадан-қанча одам ўтади. Улар орасида ҳудуддаги маҳалла раҳбарлари, фаоллари ҳам бўлиши табиий. Лекин...



СЎНГГИ САҲИФА

АТРОФИМИЗДАГИЛАР эмас, балки бизнинг уларга бўлган муносабатимиз шодлик келтиради

ТАНЛОВ

ФУТЗАЛ

Ким ғолиб бўлади?

Маълумки, ҳар йили декабрь ойи арафасида Осиё Футбол конфедерацияси (ОФК) қитъа майдонларида маълум йўналиш бўйича "энг яхши" деб топилган ўйинчи ва жамоаларнинг номини эълон қилади. Ёдингизда бўлса, ўтган йили ҳамюртимиз Максим Шацких "Осиёнинг энг яхши футболчиси" номинацияси бўйича иккинчи ўринга лойиқ топилганди.

■ Мухлисбек ДЎСТОВ

Эътиборли томони шундаки, жорий йилда халқаро майдонларда футболчиларга нисбатан фаолроқ эканликларини намойиш этган юртимиз футзалчилари бирданига иккита номинация бўйича совриндор бўлишга даъвогарлик қилмоқдалар. Жумладан, футзал бўйича Ўзбекистон термаси "Йилнинг энг яхши жамоаси" номинациясида сўнгги босқичга етиб келган бўлса, Тошкентнинг "Ардус" ва Ўзбекистон миллий терма жамоаси етакчиси Хуршид Тожибоев "Энг яхши футзалчи" йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритиш учун кураш олиб бормоқда. Гарчи шу йилнинг май ойида Тошкентда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ҳал қилувчи финал баҳсидагина японялик рақибларига имкониятни бой бериб, кумуш медалларни қўлга киритган миллий жамоамизнинг имкониятларига нисбатан етти карра чемпион — Эрон терма жамоасини тўхтатган ва ўз навбатида олтин медалларга сазовор бўлган Кунчиқар юрт футболчиларининг имкониятлари бир мунча юқори, деб баҳоланаётган бўлса-да, юқорида тилга олинган футзалчимизга катта ишонч билдирилмоқда.

Айтиб ўтиш жоиз: айнан Хуршиднинг самарали ҳаракатлари эвазига "Ардус" жамоаси Эронда бўлиб ўтган Осиё чемпионлари кубогидан кумуш медаллар билан қайтишга, миллий биринчиликда чемпионликни қўлга киритишга, терма жамоамиз эса қитъанинг вице-чемпиони бўлишга эришганди. Шу ўринда, юртдошимиздан ташқари, мазкур номинация бўйича ироқлик Абдул Қодир Отаил, қирғизистонлик Андрей Пестряков, японялик Кеничиро Когуре ва Эрон терма жамоаси аъзоси Воҳид Шамсаи кураш олиб боришаётганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

БИЛАСИЗМИ?

БУ АЖИБ ДУНЁ

Ҳаётбахш ичимликнинг саёҳати

Ер юзида чой кириб бормаган хонадонни топиш қийин. Маълумотларга кўра, инсон томонидан истеъмол қилинадиган суюқликлар орасида сувдан кейин иккинчи ўринда турувчи мазкур ичимликнинг бугунги кунда 1500 дан ортиқ нави мавжуд.

■ Шуҳрат ХЎЖАЕВ

Чойнинг кашф этилишига оид сон-саноқсиз ривоятларнинг бирида айтилишича, милоддан тахминан уч минг йил аввал Хитойда ҳукмронлик қилган Чин Нуннинг қайнаган сув билан тўлдирилган идишига тасодифан чой барги тушиб қолади. Ҳосил бўлган хушбўй ва ёқимли дамламани ичиб, ҳайратда қолган ҳукмдор қўл остидаги одамларга мўъжизакор баргларни йиғишни ва ушбу тетиклантирувчи ичимликни шоҳ дастурхонига ҳар куни қўйишни буюради. Ҳиндларнинг эътироф этишларича, Жанубий Хитой бўйлаб саёҳат қилиб юрган шаҳзода Бадхидхарма тасодифан дастлабки чой бутасига йўлиқиб, унинг оммабоп ичимлик даражасига етишишига сабабчи бўлган.

Маданий ўсимлик сифатида 350-йиллардагина экила бошлаган чой V-VI асрларда карвон йўллари орқали туркий халқлар яшайдиган минтақаларга ҳам етиб борди. IX асрда чой японларнинг ҳам миллий ичимлигига айланди. Европаликлар мазкур ичимликнинг бетакрор мазасини анча кейин, яъни "хитой ўти" ортилган кемалар XVI-XVII асрда португалиялик ва голландиялик денгизчилар томонидан Кўҳна қитъага келтирилгандагина тотиб кўришга муваффақ бўлдилар.

1664 йили Англия қироли Карл учун Ҳиндистондан келтирилган совғасаломлар орасида икки фунт қуритилган барг — чой ҳам бор эди. Айнан шундан сўнг мазкур ичимлик Туманли Альбионни ҳам забт этди. Шу ўринда инглизлар ҳаётбахш ичимлик тарихига ўзига хос ҳисса қўшишганини айтиб ўтиш лозим: аввал фақат Ҳиндистоннинг Ассам музофотида экилган чой кейинчалик Буюк Британиянинг ўша пайтдаги қатор мустамлакалари, жумладан, Цейлон (Шри-Ланка), Кения ва бошқа давлатларнинг асосий қишлоқ хўжалик экинига айланди.

Ҳозир чой дунёнинг қирқдан ортиқ давлатида, жумладан, ҳатто Жанубий Америка ва Австралиянинг тоғолди минтақаларида, Шимолий Италия ва Швейцарияда ҳам етиштирилса-да, мазкур маҳсулотни экспорт қилиш бўйича етакчи ўринларни Ҳиндистон, Хитой, Шри-Ланка, Кения, Индонезия, Туркия ва Вьетнам каби мамлакатлар эгаллаб турибди.

Буюк Британия, Россия, Покистон ва Япония энг чойхўр мамлакатлар ҳисобланади.

Қизиғи — дастлаб фақат бута кўринишида тарқалганлиги маълум бўлган чойнинг кейинчалик дарахт турлари ҳам топилган. Мисол учун, ўша Ассам музофотининг тоғли туманларида, шунингдек, Бирма ва Лаосда ўсувчи 10-15 метрли чой дарахтларини учратиш мумкин.

Таъкидлаш жоиз: чой ҳосилини териш айрим жойларда бутун йил бўйи, иқлими совуқроқ минтақаларда эса 6-8 ой давом этади. Терим пайтида чойнинг (у дарахт ё бута шаклида бўладими, бундан қатъий назар) фақат энг ёш новдаси ва унинг майда барглари юлинади.

ХУШХАБАР

ОИЛА ҚУВОНЧИ

Бир йўла уч эгизак

■ Дониёр КАМОЛ

Фарзанд — оила қувончи. Хусусан, янги туғилган чақалоқ ота-она учун нечоғлик катта бахт эканлигини айтмаса ҳам бўлади.

Бундай дейишимизга сабаб бор. 31 октябрь куни Бекобод шаҳар марказий касалхонасида бир йўла уч эгизак дунёга келди. Асли касби ўқитувчи бўлган Дилором Жамбилова оналик бахтини ана шундай тарзда қарши олди.

— Чақалоқлар соғлом туғилишди, — дейди марказий шифохона бош ҳакими Бахтиёр Сангилов. - Вазни икки, бир кило саккиз юз ва бир кило-ю беш юз. Биринчи туғруқ бўлишига қарамай, она ўзини яхши ҳис этмоқда.

Маълум бўлишича, бундай воқеа 1981 йилда, яъни чорак аср аввал айнан шу туғруқхонада кузатилган ва ўшанда ҳам учта қиз туғилган экан.

Айни пайтда чақалоқлар алоҳида парвариш қилинмоқда. Она ва болалар учун малакали шифокорлар бириктирилган.

— Қизларимга Фотима, Заҳро, Зуҳра деб исм қўйдик, — дейди Д. Жамбилова. — Шифокорларга раҳмат. Фарзандларимнинг саломатлигидан доим хабардор бўлиб туришибди.

ЭЪЛОН

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR
Тошкент шаҳар, Моваройнаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61: Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz: E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz

ОБ-ҲАВО

9-15 ноябрь кунлари Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистонда дам олиш кунлари ҳаво очиқ бўлади. Ҳафтанинг қолган кунларида вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси 2-7, кундузи 12-19 даражани ташкил қилади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг жанубий туманларида деярли ҳар куни ёмғир ёғади. Ҳаво ҳарорати кечаси 6-12, кундузи 17-22 даража атрофида бўлади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида, шунингдек, Фарғона водийсида, шанба ва якшанбадан ташқари, ҳар куни ёғингарчилик бўлиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси 6-12, кундузи 14-18 даражани ташкил этади.

Тошкентда ҳам ҳаво ўзгариб туради. Бугун-эрта ҳамда янги ҳафтанинг дастлабки кунларида ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси 7-11, кундузи 14-17 даража атрофида бўлади.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

13-19 ноябрь

ҚЎЙ. Ҳафта мобайнида қатор қийинчиликларга дуч келишингиз, жумладан, кичкина молиявий инқирозга учрашингиз кутилмоқда. Шу боис ишбилармон ҳамкорларингиз таклифларига рози бўлишдан аввал уларнинг шартларини обдон ўрганиб чиқинг. Ишингиз кўп бўлса ҳам, дам олиш учун вақт ажратишни унутманг.

БУЗОҚ. Ҳафтанинг биринчи ярмида, агар тегишли чораларни кўрмасангиз, қўл остингиздаги айрим ходимлар ўзларининг ғаразли ниятларини амалга ошириб, сизни йўлдан адаштирадилар. Мазкур ҳолатнинг олдини олиш учун ўзингизга, ёшроқ бўлса ҳам, ишончли шерик топишга ҳаракат қилинг.

ЭГИЗАКЛАР. Фаолликка мойил бурж вакиллари ҳафта мобайнида бир мунча зерикиб қолганларини ҳис қиладилар. Негаки, ойнинг 15-саналаригача "эгизаклар"га узоқ жойларга сафарга чиқиш, катта нарса харид қилиш ва зўр бериб ишлаш тавсия этилмайди. Шундай бўлсада, ойнинг иккинчи ярмида улар кўнгиллари тусаган ишни қилишлари мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА. Ойнинг биринчи ярми ижод, билим олиш, таҳлил қилиш билан шуғулланувчилар, шунингдек, келгуси ишларга режалар тузиш билан банд бўлганлар учун омадли келади. Иш жойингизда, ҳамкорларнинг ўзгаришини ҳисобга олмаганда, ўзига хос сокинлик ҳукм суради.

АРСЛОН. Лавозимингиз кўтарилиши учун ниҳоятда қулай имконият туғилади. Аммо шу билан бирга шахсий ҳаётингизда қатор муаммолар вужудга келади. Ачинарлиси- уларни ҳал қилиш ёлғиз ўзингизга қолиб кетади. Устига-устак, ҳафта ўрталарида соғлиғингиз ёмонлашади.

ПАРИЗОД. Ҳафта бошида омадингиз келиб, молиявий муаммоларингизни ҳал қилишга муваффақ бўласиз. Бироқ кейинги кунларда анча чарчаганингиз билиниб қолади. Масалан, паришонхотирлигингиз сабаб бўлиб муҳим учрашувлардан қолиб кетишингиз, топширилган ишларни ўз вақтида бажармаслигингиз мумкин.

ТАРОЗИ. Асосий ишларингизни ой бошида бажариб бўлганингиз боис, ҳафтанинг биринчи ярмида дам олиб, куч тўпласангиз, мақсадга мувофиқ бўлади. 16-17 ноябрь кунларини қадрдон дўстларингиз даврасида ўтказасиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида вужудга келган моливий етишмовчиликни эса олинажак кредит, яъни қарз ҳисобидан тўлдирасиз.

ЧАЁН. Ноябрь сиз учун энг муҳим ой эканини унутманг. Айнан шунинг учун ҳам яратилган имкониятлардан иложи борича унумли фойдаланиб қолинг. 19 ноябрь куни кутилмаганда ажойиб совға билан тақдирланасиз. Туғилган кунингизни табиат қўйнида ўтказганингиз маъқул.

ЎҚОТАР. Муваффақиятсиз кунлардан иборат муддат ойнинг 17- санасида якунланади. Айнан шу кундан бошлаб "ўқотар"лар кучларига куч қўшилиб, фаолликлари ошганини ҳис қиладилар. Жумладан, ҳафтанинг иккинчи ярмида улар ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаб, молиявий аҳволларини яхшилаб оладилар.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ҳафта давомида қандай ишга қўл урманг, барчаси самарали якун топиши кутилмоқда. Кучли ақлий салоҳиятга эга инсонлар — олим, шифокор ва ўқитувчилар билан учрашганингизда беэътибор бўлманг. Зеро, улар орасидан бўлажак ҳамкорларингиз чиқиб қолиши мумкин.

ҚОВҒА. Бажарилиши керак бўлган ишларингиз шу даражада кўпайиб кетади-ки, ҳатто бошни қашишга ҳам вақт топа олмайсиз. Алам қиладигани шуки, шахсий манфаатларингиз бир ёқда қолиб, фақат бировларнинг хизматини бажаришга мажбур бўласиз. Шамоллаб қолмай, десангиз, витаминларга бой овқатларни тановул қилиб, пасайиб кетган иммунитетингизни мустаҳкамлаш пайидан бўлинг.

БАЛИҚ. Ҳафта аввалида ишда ҳам, уйда ҳам қатор муаммоларга дуч келишингиз мумкин. Бироқ 15 ноябрдан бошлаб ҳамма нарса ўз изига тушиб, аҳволингиз бир мунча яхшиланади, шахсий ҳаётингизда кўпдан бери кутилаётган ижобий ўзгаришлар рўй беради. Оилангизда пайдо бўлган янги инсон хонадонингизга қувонч олиб келиши кутилмоқда.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Маъруфжон УСМОНОВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Шуҳрат НОРГИТОВ
Шуҳрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ
Абдували СОЙИБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Ҳолмўмин МАМАТРАЙИМОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР
Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР
КОТИБИЯТ 361-40-17
ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 361-30-45
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ 361-21-31
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 361-31-16
ФАКС: 361-33-80

Навбатчилар:
Н. ТОШЕВ,
Ш.ЭРАЛИЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-1267
Тираж: 11947

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 раками билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ килиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

©

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 79-28-71:
361-33-80

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)361-49-52
E-mail: milapress@yahoo.com